

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**

“Давлат ҳуқуқи ва бошқаруви” кафедраси

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШ

**Мавзу: Ўзбекистон Республикаси маҳаллий ижро ҳокимияти
фаолиятининг конституциявий – ҳуқуқий асослари**

Бажарди: 4-курс “Давлат ҳуқуқи
ва бошқаруви” йўналиши
талабаси
Равшанов Хасан Шерали ўғли

Илмий раҳбар: “Давлат ҳуқуқи
ва бошқаруви” кафедраси
мудири
Зулфикоров Шерзод Хуррамович

ТОШКЕНТ – 2014

МУНДАРИЖА

Кириш	3
--------------------	---

I БОБ. Ўзбекистон Республикасида маҳаллий ижро ҳокимиятининг ташкил этилиши

1.1. Давлат ҳокимияти органлари тизимида ижро этувчи ҳокимият.....	8
--	---

1.2. Ўзбекистон Республикасида маҳаллий ижро ҳокимиятининг ривожланиш босқичлари ва тизими.....	18
---	----

1.3. Маҳаллий ижро ҳокимиятини шакллантириш ва фаолиятига оид асосий тамойиллар.....	27
--	----

II БОБ. Ўзбекистон Республикасида маҳаллий ижро ҳокимиятининг ҳуқуқий мақоми

2.1. Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимларининг вазифалари ва ваколатлари.....	36
--	----

2.2. Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликлари бошқарув аппаратининг фаолияти.....	45
--	----

2.3. Маҳаллий ижро ҳокимияти фаолиятини такомиллаштириш масалалари.....	55
---	----

Хулоса	68
---------------------	----

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	71
---	----

К И Р И Ш

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакатимизда мунтазам тарзда олиб борилаётган давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш соҳасида олиб борилаётган ислохотлар ҳокимиятлар бўлиниши конституциявий принципини ҳаётга изчил татбиқ этиш, ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали тизимини шакллантириш, марказда ва жойларда қонун чиқарувчи ва вакиллик ҳокимиятининг ваколатлари ҳамда назорат вазифаларининг ролини кучайтириш доимий ислохотлар мезони бўлиб хизмат қилмоқда.

1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилиниб, маҳаллий ижро ҳокимияти маҳаллий давлат ҳокимияти институтлари сифатида шаклланди. Мамлакатда ижро ҳокимиятининг мустақил Ўзбекистон олдида турган вазифаларига мос бўлган ўзига хос тизими яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрдаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусидаги маърузасида “...Юртимизда кўппартиявийлик тизимининг тобора мустаҳкамланиши давлат ҳокимиятининг учта субъекти, яъни давлат бошлиғи бўлган Президент, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги ваколатларнинг янада мутаносиб тақсимланишини таъминлаш учун зарур шарт-шароитларни юзага келтирмоқда” деб таъкидладилар¹. Шу боис, Ўзбекистонда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тизими ва фаолиятини ислоҳ этиш фуқаролик жамиятини қуриш ва ҳуқуқий давлат барпо этиш мақсадларидан келиб чиқади.

Давлат марказий ҳокимиятининг барча соҳаларини чуқур демократлаштириш билан бирга, давлат ҳокимиятининг маҳаллий

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябр кўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» маърузаси. // Халқ сўзи. 13 ноябр

органларини такомиллаштириш, яъни бизга яқин ўтмишдан қолган маъмурий-буйруқбозлик асоратларидан воз кечиш, маҳаллий бошқарувни демократик кадриятлар асосида мустаҳкамлаш олдимизда турган долзарб вазифалардан бирига айланди.

2014 йил 16 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 103-моддасига киритилган ўзгартиришга мувофиқ, вилоят, туман ва шаҳар ҳокими тегишли халқ депутатлари Кенгашига вилоят, туман, шаҳар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим ва долзарб масалалари юзасидан ҳисоботлар тақдим этиши, улар бўйича халқ депутатлари Кенгаши томонидан тегишли қарорлар қабул қилинишининг мустаҳкамланиши маҳаллий ижро ҳамда вакиллик органлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни янада мустаҳкамлайди, ўзаро тийиб туриш ва мувозанатни самарали таъминлаш механизмининг амалдаги ижросини таъминлайди.

Мамлакатимизда давлат бошқарувини янада эркинлаштириш учун маҳаллий ижро ҳокимияти институтини илмий-амалий жиҳатларини ўрганиш, уни такомиллаштириш юзасидан ҳулосалар, таклиф ва турли фикр-мулоҳазалар ишлаб чиқиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Бугунги кунда мустақилликни мустаҳкамлашга қаратилган сиёсий, ҳуқуқий, хусусан конституциявий ислоҳотларни амалга оширишда вужудга келган маҳаллий ижро этувчи органларининг ташкил этилиши ва улар фаолиятининг конституциявий-ҳуқуқий жиҳатдан белгиланишига давлат ҳуқуқи ва бошқаруви нуқтаи назаридан баҳо бериш, шунингдек ижро этувчи органлар тизимининг конституциявий-ҳуқуқий механизми, маҳаллий ижро этувчи ҳокимиятнинг ўзига хос хусусиятларини Ўзбекистон Республикасининг миллий тараққиёт йўли билан уйғунликда илмий тадқиқотлар олиб бориш долзарб масалалар сирасига киради.

Мавзунинг амалий аҳамияти мавзуни тадқиқ қилиш орқали маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолиятини кучайтириш, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг маърузасиларида белгилаб берилган йўналишларни қонунчиликда сингдириш орқали маҳаллий ижро

ҳокимияти ролини ошириш ҳамда масъулият ва жавобгарлигини янада ошириш.

Мавзунинг илмий янгилиги. Тадқиқотнинг илмий янгилиги, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш шароитида такомиллаштириш масалалари ҳуқуқий томондан ўрганилганлиги билан белгиланади. Шунингдек ишда,

- Маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ҳуқуқий негизлари ривожланган давлатлар тажрибаси асосида илмий таҳлил қилинди;
- Маҳаллий ижро ҳокимияти органлари бўғинлари ўртасида ваколатларни аниқ белгилаш юзасидан таклифлар берилди;
- Давлат қурилишини эркинлаштириш жараёнида маҳаллий ҳокимият вакиллик ва ижро органларининг мустақиллигини таъминлашга доир таклифлар ишлаб чиқилди;
- Ҳокимликлар аппаратлари фаолиятини такомиллаштириш масалалари ёритилди;
- Маҳаллий ижро ҳокимияти органларининг жамоатчилик билан алоқаларини ташкил этилишининг ҳуқуқий асослари таҳлил этилди.

Тадқиқот объекти ва предмети. Ўзбекистон Республикасида маҳаллий ижро ҳокимияти ҳуқуқий мақомини белгилаб берувчи ижтимоий муносабатлар тадқиқот ишининг объектини ташкил қилади. Ушбу тадқиқот ишининг асосий предметини Ўзбекистон Республикасида маҳаллий ижро ҳокимиятининг шаклланиш ва ривожланиш жараёнлари билан боғлиқ назарий ва амалий илмий хулосалар, шунингдек маҳаллий ижро ҳокимиятининг ҳуқуқий мақоми билан боғлиқ ҳуқуқий хулосалар ташкил этади.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Ўзбекистонда давлат бошқарувини эркинлаштириш, маҳаллий ҳокимият органларини, уларни ваколатларини амалга ошириш шакл ва усулларини такомиллаштириш ҳозирги ислохотларни янада чуқурлаштиришни тақозо этади.

Ўзбекистонда маҳаллий ҳокимият органлари, хусусан ҳоким фаолиятини янада такомиллаштириш, ҳокимлик институтини миллий ва демократик кадриятлар асосида янада бойитиш, унинг фаолиятининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, давлат қурилишини номарказлаштириш жараёнлари билан уйғунлаштириш ислохотларини назарий асосларини тадқиқ этиб, ушбу масала юзасидан ҳулосалар, таҳлиллар, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш диссертациннинг асосий мақсадидир.

Мазкур ишнинг мақсади ва мавзунинг долзарблигидан келиб чиқиб, куйидаги вазифаларни бажариш белгилаб олинди:

- Ўзбекистонда амалга оширилаётган давлат бошқарувини эркинлаштириш, ушбу соҳадаги илғор ва етук мамлакатлар тажрибасини ўрганиш, бу жараёнларни миллий анъаналаримиз асосида ҳаётга тадбиқ этиш,

- маҳаллий ижро ҳокимияти органлари тушунчаси ва унинг фаолият кўрсатиш принципларининг ҳуқуқий асосларини илғор мамлакатлар тажрибасига қиёслаш асосида тадқиқ этиш;

- маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ваколатлари ва уни амалга ошириш механизмининг тадқиқ этиш ҳамда такомиллаштириш юзасидан таклиф ва ҳулосалар ишлаб чиқиш;

- ҳоким аппаратининг фаолиятини тадқиқ этиб, уни фаолиятининг шакл ва усулларини такомиллаштириш юзасидан таклиф ва ҳулосалар ишлаб чиқиш;

- маҳаллий ижро ҳокимияти органлари институтининг давлат ҳокимияти тизимида тутган ўрни ва унинг жамоатчилик билан муносабатларининг ўзига хос жиҳатларини ўрганиш;

- вилоят ва туман (шаҳар) ҳокимликлари ва улар ўртасидаги ўзаро ҳуқуқ ва бошқарув муносабатларининг ҳуқуқий жиҳатларини ёритиш;

Тадқиқотнинг асосий масалалари:

- давлат ҳокимияти механизмида маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ўрни ва аҳамиятини борасида чет эл тажрибасини тадқиқ этиш;

– Ўзбекистон Республикасида маҳаллий ижро ҳокимияти органларининг мақомини ҳуқуқий тартибга солиш;

- Ўзбекистон Республикасида маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ваколатлари ҳамда масъулиятини бир қатор давлатлардаги ўхшаш институтлар билан қиёслаган ҳолда тадқиқ қилиш;

- Ўзбекистон Республикасида маҳаллий ижро ҳокимияти органларининг ижро ҳокимияти тизимида тутган ролини очиқ бериш;

- Маҳаллий ижро ҳокимияти органларининг ҳуқуқий мақомига доир амалий таклиф ва мулоҳазалар тайёрлаш.

Тадқиқотнинг қисқача тавсифи. Илмий тадқиқот иши кириш, 2 боб, 6 параграф, хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхати қисмларидан иборат. Ишнинг ҳажми жами 77 бетни ташкил этади.

I БОБ. Ўзбекистон Республикасида маҳаллий ижро ҳокимиятининг ташкил этилиши

1.1. Давлат ҳокимияти органлари тизимида ижро этувчи ҳокимият

Мамлакатимиз мустақиллиги ва миллий давлатчилик пойдеворини мустаҳкамлаш, ўз навбатида, давлат ҳокимияти институтлари фаолиятини такомиллаштириш, давлат органларининг ўзаро муносабатларида ҳамжиҳатликни таъминлаш, давлат ва жамият ўртасида бунёдкор алоқаларни вужудга келтириш, иқтисодий жараёнларни тартибга солишда давлатнинг фаол иштирокини мақбуллаштириш, ҳар бир инсоннинг келиб чиқиши, ижтимоий, мансаб ва мулкӣ ҳолатидан, ирқӣ ва жинси, тили ва бошқа ҳолатларидан қатъий назар ҳуқуқ ва эркинликларини том маънода амалга оширилишини таъминловчи механизмларни яратиш, фуқароларнинг эртанги кунга бўлган ишончини пайдо қилиш, тинчлик-тотувликни таъминлаш, давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўринни эгаллашини талаб этади. Бунга ушбу соҳаларда илмий асосланган, изчил ва кенг қамровли ҳамда тизимли ислоҳотлар орқалигина эришиш мумкин.

Президентимиз И. А. Каримов бу борада қилинган ишларни сарҳисоб қилиб, “мамлакатимизни 1991-2000 йиллар давомида ислоҳ қилиш ва янгилаш борасида қўлга киритилган натижалар миллий давлатчиликни шакллантириш ва республикаимизни барқарор ривожлантиришда мустаҳкам замин бўлди. Тарихан қисқа вақт ичида совет давридаги эски маъмурий-буйруқбозлик тизимига барҳам берилиб, миллий давлатчиликни шакллантиришнинг пухта ҳуқуқӣ асослари яратилди, давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти тармоқлари ташкил этилгани, ижтимоий ва фуқаролик институтлари фаолияти йўлга қўйилиб, иқтисодиётни эркин бозор муносабатларига ўтказиш жараёни амалга оширилгани”ни алоҳида таъкидлади¹.

Мустақил миллий давлатчилигимизнинг ҳуқуқӣ пойдевори саналган Асосий қонунимиз – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тарихан жуда

¹ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузаси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2007. – Б. 29.

кисқа муддатда ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Унда мамлакатимизда давлат ва жамият қурилишининг асосий тамойиллари аниқ ифодалаб берилди, давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд тармоқларига бўлиниши энг муҳим тамойил сифатида белгиланди.

Дарҳақиқат, давлат ҳокимиятининг учта асосий тармоқларга бўлиниши демократик ҳуқуқий давлат ҳокимияти тизимини ташкил қилинишида умумэътироф этилган, фундаментал тамойиллардан бири ҳисобланади. Маълумки, ҳокимиятларнинг бўлиниши ғояси илк бор антик давр файласуфлари томонидан илгари сурилган эди. Аммо бу ғоя ўзининг илмий татбиғи ва назарий асосларини Дж.Локк ва Ш.Монтескье асарларида топди¹.

Инглиз мутафаккири Дж.Локк илк бор ҳокимиятлар бўлиниш назариясининг асосий қоидаларини тизимлаштириб, қонунчилик ҳокимияти ҳақида унинг фақат сайлаб қўйиладиган орган орқали амалга оширилиши; вакиллик органларининг қонунларни ижро этиш билан шуғулланиши мумкин эмаслигини айтиб, шу муносабат билан мунтазам фаолият юритадиган ижро этувчи ҳокимият органларини барпо қилишни таклиф қилган ҳамда давлат ҳокимиятининг пойдевори сифатида “ижтимоий шартнома” ғоясини илгари сурган².

Француз мутафаккири Ш.Монтескье ҳокимиятлар бўлиниши назариясини ривожлантириб, учта: қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти тўғрисидаги қоидаларни ишлаб чиқди. Унгача суд ҳокимиятини ҳеч ким алоҳида ҳокимият сифатида ажратмаган эди. У қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятнинг бир шахс ёки идора қўлида бўлиши ва қўшилиб кетиши эркинликларни чекланишига олиб келиши мумкинлиги, худди шунинг баробарида қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятдан мустақил суд ҳокимиятининг мавжуд бўлмаслиги ҳам эркинликни чеклаши ҳақида

¹ Қаранг: Локк Дж. Два трактата о правлении // Сочинения: В 3-х т. М.: Мысль, 1988. Т.3. – 405 с.; Монтескье Ш.Л. Избранные произведения. М., – 1955. – 799 с.; Монтескье Ш.Л. О духе законов / Сост., пер. и коммент. А.В. Матешук. - М.: Мысль, 1999. – С. 672.

² Қаранг: Локк Дж. // Сочинения: В 3-х т. М.: Мысль, 1988. Т.3. – С. 349-350.

огоҳлантиради¹.

Ижро этувчи ҳокимият француз мутафаккири ғояларига мувофиқ, давлатнинг умумий иродасини рўёбга чиқарадиган орган сифатида намоён бўлиши лозим. Унинг асосий вазифаси фақат қонун чиқарувчи ҳокимият томонидан чиқарилган қонунларни ижро этишдан иборатдир. Шунинг учун ҳам у ижро этувчи ҳокимиятни табиатан чекланган деб ҳисоблайди².

Ҳозирги даврда ҳокимиятларнинг бўлиниши назариясига оид ёндашувлар ҳокимиятларни анъанавий қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларига бўлиниши доираси билан чегараланиб қолмайди. Кўпчилик тадқиқотчилар онда сонда Конституциявий Суд, Конституциявий Кенгаш ва ҳатто Омбудсман, Халқ ҳимоячилари ва бошқалар томонидан амалга ошириладиган ҳокимиятни “тўртинчи” мустақил ҳокимият, яъни “назорат” ёки “конституциявий” ҳокимият тармоғи сифатида намоён бўлаётганлигини таъкидлайдилар³. Бизнингча ушбу қарашлар анча баҳслидир.

Бинобарин, мазкур муаммони кўриб чиқиш ва давлат ҳокимияти механизмида ҳар бир давлат органининг тутган ўрни ва ролини англаш уларнинг компетенцияси⁴ ва бир-бири билан ўзаро муносабатлари, бир бирини тийиб туриш ва чеклаш тизими механизмини ҳар томонлама аниқ-бир тарихий шароитда таҳлил қилиш орқали амалга ошириш керак, деб ўйлаймиз.

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришганидан сўнг 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституциясининг 11-моддасида “Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими – ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланиши” конституциявий

¹ Қаранг: Монтескье Ш.Л. Избранные произведения: В 2-х т. М.: Госполитиздат, 1955. – С. 290-291.

² Ўша жойда. – Б. 289.

³ Қаранг: Сравнительное конституционное право / Отв.ред. Чиркин В.Е. М.: Манускрипт, 1996. – С. 433; Малиновский В. Глава государства суверенного Казахстана. Алматы: ВШП, Адилет, 1998. – С.65.; Бишер И.О. Аппарат государственного управления союзной республики и проблемы его совершенствования: Автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. – Рига, 1987. – С.34. (<http://www.lawlibrary.ru/izdanie39266.html>)

⁴ Инглизча *competence, jurisdiction* [лотинча *competentia*]. Шахс ўзининг билими, малакаси, тажрибаси орқали эгаллаган масалалар доираси. Компетенция – давлат органи, мансабдор шахс, жамоат бирлашмаси ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ваколатларининг йиғиндиси. Ҳукуматнинг умумий компетенцияси – ҳукумат фаолиятининг асосий соҳалари ва йўналишларини белгилаб берадиган ваколатлари доираси (Қаранг: Иванец Г.И., Калинин И.В., Червонюк В.И. Конституционное право России: Энциклопедический словарь. // Под общей ред. В.И.Червонюка. – М.: Юрид. лит., 2002. – 432 с.).

тузумнинг асосий тамойилларидан бири сифатида мустаҳкамланиб қўйилди¹.

Давлат механизмида ҳокимиятлар бўлиниши тамойилига кўра, ижро этувчи ҳокимият, давлат ҳокимиятининг ўзига хос ва махсус компетенцияга эга ижроия органларининг тизими шаклида намоён бўладиган мустақил тармоғи ҳисобланади. Шу билан бирга, ижро этувчи ҳокимиятнинг ўзига хос энг муҳим хусусияти – бу унинг фаолияти қонунлар ижросини таъминлаш характериға эғалиғида намоён бўлади. Бу ҳол давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларини камраб олувчи қонун устуворлиғи тамойилининг ажралмас белгисидир.

Қозоғистонлик ҳуқуқшунос олим К.Б.Сафинов, ижро этувчи ҳокимият органларини ҳозирги даврда умумий ва махсус компетенцияга эга коллегиял ёки яккабошчиликка асосланган, марказий ва маҳаллий органларни бирлаштирган мураккаб иерархик, кўптармоқли, полифункционал тизимдан иборат эканлигини таъкидлайди².

Табиийки, юқорида санаб ўтилган қатор белги ва хусусиятлардан келиб чиқиб, фанда ижро этувчи ҳокимият тизимига ўзи қабул қилаётган қарорларға тўлиқ масъулият билан жавоб беришға лаёқатли бўлган мустақил конституциявий-ҳуқуқий институт сифатида марказий ўрин ва ҳал қилувчи роль ажратилади. Шу боис ҳокимиятлар бўлиниши тамойилиға мувофиқ, ижро этувчи ҳокимият тушунчаси ва унинг мазмун-моҳияти нималардан иборатлиғи ҳамда унинг марказий ва олий органи ҳисобланадиган ҳукуматнинг ҳуқуқий мақоми, ўзига хос жиҳатларини илмий мушоҳада қилиш фаннинг олдида турган долзарб масалалардан бири саналади. Бинобарин, мазкур бобда ушбу масалаға ойдинлик киритишға ҳаракат қиламиз.

Дарҳақиқат, ижро этувчи ҳокимият давлат ҳокимиятининг тузилиши ва унинг табиатини англашда муҳим ўрин тутадиган ҳамда юридик адабиётларда ўринли баҳс-мунозараларға сабаб бўлаётган ва ҳанузгача ўз ечимини тўла

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси // Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами. – 2007. – № 15. – 152-модда; Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. – 1994. – № 1. – 5-модда.

² Қаранг: Сафинов К.Б. Правительство Республики Казахстан на переходном этапе. / Под ред. Зиманова С.З. – Алматы: ЮРИСТ, 2002. – С. 13.

топмаган йирик муаммолардан бири ҳисобланади.

Масалан, ҳокимиятларнинг бўлиниш тамойилида ижро ҳокимияти ўрнини тадқиқ қилган россиялик олим К.С.Бельский ижро этувчи ҳокимият тушунчасини кенг ва тор маъноларда ифодалайди. Биринчидан, у ижро этувчи ҳокимият тушунчаси кенг маънода жамият ҳаётининг фаолияти учун нормал шароит яратиб бериш мақсадида иерархик равишда тузилган ҳамда бунинг учун унга тегишли ваколатлар топширилган ва мазкур ваколатларни амалга оширишга лаёқатли давлат бошқаруви органларининг муайян тизимини билдиради, деб ҳисоблайди. Иккинчидан, тор маънода (субъектив ҳуқуқ) ижро этувчи ҳокимият деганда, унинг фикрича, мансабдор шахснинг қонунларни ижросига қаратилган қарор қабул қилиш ҳуқуқи ва имкониятлари тушунилади, бунда ушбу қарорнинг ижроси унга бўйсунувчи ходим (яъни, барча ходимлар) томонидан мазкур мансабдор шахснинг жавобгарлиги ва назорати остида амалга оширилишини назарда тутди¹.

Бизнинг фикримизча, муаллиф ушбу тушунчага кенг маънода таъриф бераётганида ижро этувчи ҳокимиятнинг яна бир муҳим белгиларидан бири ҳисобланган унинг иерархик² (поғонали, яъни бир-бирига ўзига хос тамойиллар асосида қуйидан юқорига бўйсунувчи, шу тартибда муайян тизимга асосланиб тузилган органлар ёки лавозимлар шаклидаги бошқарувнинг ташкил этилиши – *изоҳ бизники*) тузилишга эга эканлигини жуда тўғри таъкидлаган. Шу билан бирга, ижро этувчи ҳокимият органлари тўғрисида гапирганда, уларга бир томонлама, фақат давлат бошқаруви органларининг тизими сифатида қарашнинг ўзи ҳам етарли эмас, деб ҳисоблаймиз. Чунки бу таъриф билан ижро этувчи ҳокимиятнинг ўзига хос қирраларини тўлиқ очиб бериш мушкул. Бундан ташқари, давлат ҳокимияти фаолиятининг ўзаги ҳисобланган *давлат бошқарувини*, аниқроғи, давлат ҳокимиятининг нафақат ижро этувчи ҳокимият органлари, қолаверса, қонун чиқарувчи ҳокимият органлари, жойлардаги

¹ Қаранг: Бельский К.С. Разделение властей и ответственность в государственном управлении. М.: 1990. – С.76.

² Иерархия – инглизча “*hierarchy (of the Civil Service)*” иерархия, поғона (давлат хизматида иерархия, “хизмат пиллапоеси”) маъноларини англатади.// Қаранг: Большой англо-русский словарь: в 2-х т. Ок. 160 000 слов. / Авт. Н.Н. Амосова, Ю.Д. Апресян, И.Р. Гальпесин и др. – М.: Рус.яз., 1988, Т.1. А-М. – С. 758.

вакиллик органлари ҳамда бошқа назорат органлари ҳам амалга оширадilar. Шунингдек, юқорида таъкидланганидек, *жамият ҳаёти фаолияти учун нормал шароит яратиб бериш мақсади* фақат унинг ўзига хос мақсад эмас, чунки бу мақсадни амалга ошириш вазифаси давлат органларининг барчасига тегишлидир.

Россиялик олим Ю.М.Козлов ижро этувчи ҳокимиятнинг ўзига хос хусусиятларини давлат ҳокимиятига тааллуқли қуйидаги белгилар билан асослайди: а) давлат аппарати махсус бўғинларининг фаолият кўрсатиши (умумий ваколатларга эга давлат бошқаруви органлари); б) жамият ҳаётининг турли томонларини тартибга солиш мақсадида вакиллик ҳокимияти субъектлари томонидан белгиланган умумий нормаларни бевосита ижро этишга қаратилган фаолият¹.

Фикримизча, бу ерда ижро этувчи ҳокимиятнинг асосий мақсади сифатида қонунлар ва вакиллик органларининг бошқа қарорларини ижро этиш вазифаси тўғри таъкидлаб ўтилган. Шу билан бирга, ижро этувчи ҳокимият моҳиятига, фақат умумий ваколатларга эга давлат бошқаруви органларидан иборат дейилган жуда тор ёндошиш мавжуд. Унда махсус ваколатларга эга мазкур органларнинг тутган ўрни қандай ва улар ҳокимият тармоқларининг қайси бирига тааллуқлидир деган саволлар эса жавобсиз қолган.

Бундан ташқари, айрим муаллифлар юқоридаги фикрларга қарама қарши позицияда туришгани ҳолда ижро этувчи ҳокимият таркибига давлат корхонаси ва муассасаларининг маъмуриятларини ҳам киритиб, унинг доирасини асоссиз равишда кенгайтириб юборганликларини кўришимиз мумкин².

Ижро этувчи ҳокимиятнинг назарий муаммоларининг бирмунча батафсил таҳлили Л.А.Калинина тадқиқотларида амалга оширилганини кузатдик. Жумладан, унинг фикрича, ижро этувчи ҳокимият – ижро этиш ва фармойиш бериш фаолиятини амалга оширувчи ташкилий-ҳуқуқий механизм ва шакллар

¹ Козлов Ю.М. Исполнительная власть: сущность, функции // Вестник МГУ, 1992. Серия 11. Право. – № 4. – С. 8.

² Е.Б.Баянов Основы государства и права. / Под ред. Г.С.Сапаргалиева. – Алмааты: Жеты жарғы, 1999. – С. 48.

йиғиндисидан иборатдир¹. Аммо, бу каби ёндашув, табиийки, ижро этувчи ҳокимиятнинг мазмун ва моҳиятини тўлиқ англаб олиш учун айтиб ўтилган ташкилий-ҳуқуқий механизм ва шакллар моҳиятини очиб берилишини талаб этади.

Тегишли илмий адабиётларда ижро этувчи ҳокимиятнинг яна бир қатор белгилари ҳам кўрсатиб ўтилган. Хусусан, уларда мазкур институтнинг ҳосила орган эканлиги, яъни иккиламчилиги, конун асосида фаолият юритиши, универсаллиги, унга хос жўшқинлик (динамика)², ўз ваколат доирасининг мавжудлиги, иерархик қурилган аппарат ва кўп сонли профессионал хизматчиларга эга бўлиши, ташкилотчилик хусусиятининг мавжудлиги ва ниҳоят, фармойиш бериш ҳуқуқига эга эканлиги каби белгилари кўрсатиб ўтилган³.

Қорақалпоғистон Республикасининг ижро этувчи ҳокимият органларини тадқиқ қилган ҳуқуқшунос олима Е.Д.Кутибоеванинг фикрича, республикада ижро этувчи ҳокимиятни амалга ошириш учун яхлит органлар тизими (аппарат) мавжуд бўлиб, улар умумий ваколатга эга ижро органларини (масалан, республика Вазирлар Кенгаши, туман ва шаҳар ҳокимлари), шунингдек давлат-бошқарув механизмининг тармоқлар, тармоқлараро ва бошқа бўғинларини ўз ичига олади⁴.

Россиялик олим Д.Н.Бахрах, ижро этувчи ҳокимиятнинг мақсади ва фаолият тамойилларини ҳам унинг яна бир ўзига хос белгилари сифатида ажратади. Унинг фикрича, ижро этувчи ҳокимият фаолиятининг асосий мақсади: 1) фуқаро, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш; 2) фуқаро ҳаёти, жамият фаровонлиги, мамлакат иқтисодиёти ривожланиши учун шароит яратиб бериш;

¹ Калинина Л.А. Исполнительная власть в ее организационно-правовых формах (федеральный уровень): Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 1994. – С.23. <http://www.lawlibrary.ru/izdanie29812.html>.

² Динамика – ҳаракат ҳолати, ўсиш, ривожланиш. Кўчма маънода воқеа, ходиса, жараён ва шу кабилардаги жўшқинлик. Ҳаракат ва воқеа-ҳодисаларга бой ҳолат.

³ Қаранг: Бахрах Д.Н. Административное право. – М.: БЕК, 1993. – С. 58-61; Бельский К.С. О функциях исполнительной власти // Государство и право, 1997. – № 3. – С.69-74.; Чиркин В.Е. Государствоведение. М.: Юрист, 1999. – С. 303.

⁴ Қаранг: Кутыбаева Е.Д. Органы исполнительной власти Республики Каракалпакстан: Дис. ... д-ра юрид. наук. Ташкент, 1999. – С. 238-248.

3) фуқаролар ва жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишлари ҳамда инсонларнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий жиҳатдан эркин яшашлари учун шароит яратиб беришдан иборат масалаларни ўз ичига олади¹.

Фикримизча, ижро этувчи ҳокимиятга хос юқорида санаб ўтилган хусусиятлар билан бир қаторда, ижро этувчи ҳокимият тизимининг яхлитлигини айтиб ўтиш жоиз. Чунки, Ўзбекистон Республикаси давлат тузилишининг унитар хусусиятидан келиб чиқиб, улар ижро этувчи ҳокимият органлари тизими ичида вертикал бўйсунуш тамойилига асосланиши билан характерланади. Фикримизнинг далили сифатида, ҳуқуқшунос олим Ҳ.Т.Одилқориевнинг “ижроия ҳокимияти ҳам вертикал, ҳам горизонтал равишда ўзаро боғланган давлат органларининг муайян тизимидан иборат”² деган қарашини келтиришимиз мумкин.

Ижро этувчи ҳокимият ҳокимиятлар бўлиниши тамойили нуқтаи назаридан, қонунчилик ҳокимиятининг халқ томонидан бевосита сайланишини ҳисобга олган ҳолда, парламент ҳокимиятининг бошқа давлат ҳокимияти тармоқларига нисбатан қайсидир жиҳатдан бирламчи аҳамиятга эгалигини тан олади. Суд ва ижро этувчи ҳокимият тармоқлари ҳам айнан ана ўша манба орқали, одатда, қонунчилик ҳокимияти воситасида шакллантирилиши билан ўзининг легитимлилигини таъминлайди³. Лекин, бу хусусият кўпроқ парламентар ёки аралаш бошқарув типигаги мамлакатларга хосдир. Бироқ, келтирилган мазкур далиллар, ижро этувчи ҳокимият бевосита ёки билвосита халқ томонидан овоз бериш йўли орқали сайланадиган президентга тегишли бўлган мамлакатлар учун унчалик катта аҳамиятга эга эмас, сабаби уларда ҳокимиятнинг ҳар иккала (қонун чиқарувчи ва ижро этувчи) тармоғи ҳам бир хил

¹ Қаранг: Бахрах Д.Н. Административное право. – М.: Бек, 1993. – С.61.

² Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқи. / Ҳ.Одилқориев, И.Т. Тультеев, Ў.Х.Муҳамедов. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2005. – Б. 328.

³ Инглизча *легал* (*legal*) сўздан олинган бўлиб, қонунга асосан рухсат этилган, расман тан олинган; ошқора, очиқча маъноларини англатади. // Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2 томда. 60 000 сўз ва сўз бирикмалари. З.М.Мағруфов таҳр. остида. – М.: Рус.яз., 1981. Т.1. А-Р. – Б. 430.; *Legal government* инглизчадан қонуний (расмий) ҳукумат маъносини билдиради // Қаранг: Большой англо-русский словарь: В 2-х т. ок. 160000 слов. / Авт. Н.Н. Амосова, Ю.Д. Апресян, И.Р. Гальпесин и др./ - 4-е изд., испр., с дополнением – М.: Рус.яз., 1988, Т.1. А-М, – С. 918.

халқ мандатига эгадир.

Қонунчилик ҳокимиятининг етакчи ўринга эга эканлиги тўғрисидаги ғоя асослари қонун устуворлиги тамойилига мувофиқ ҳамда унинг вужудга келиш пайти, яъни аввал қонунчилик ҳокимиятига сайловлар ўтказилиши, сўнгра эса унинг иштирокида ижро этувчи ва суд ҳокимиятларининг олий даражадаги таркибининг шакллантирилишида намоён бўлади, деб ҳисоблайди, яна бир россиялик ҳуқуқшунос олим В.И.Ефимов¹.

Фикримизча, қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг етакчилик нуфузини тан олиш, ўз навбатида, ижро этувчи ҳокимият мустақиллигининг чекланиши ёки унинг аҳамиятини инкор этиш ва унинг фаолияти доирасига асоссиз тарзда аралаштиш мумкин эканлигини англатмайди.

Ҳуқуқшунос олим Ҳ.Т.Одилқориевнинг таъкидлашича, ҳокимиятлар бўлиниши принципнинг қўлланилиши ҳокимиятни суиистеъмол қилинишига тўсиқ қўяди, фуқарони мансабдор шахсларнинг тазйиқидан ҳимоя этади, давлат идоралари фаолиятининг самарали бўлишига шароит яратади². Юқоридагилардан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, ҳокимиятларнинг бўлиниши – демократик ҳуқуқий давлатга хос хусусиятдир.

Ҳозирги даврда ижро этувчи ҳокимиятнинг ваколатлари бениҳоя салмоқли бўлиб, унинг аҳамияти макроиқтисодий жараёнларни давлат томонидан тартибга солиш зарурияти билан тавсифланади. Бунга сабаб, аввало давлатнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ҳукумат фаолиятининг фаоллигини талаб этади. Ўзбекистон эса бозор муносабатларига асосланган иқтисодий макон яратиш йўлида жаҳон хўжалиги билан аста-секин интеграциялашувга киришиши, мамлакатимизда иқтисодий фаолиятнинг хилма-хил субъектларини вужудга келганлиги, ўтиш даврида вужудга келган аввалги ички ва ташқи хўжалик алоқаларининг узилиб қолганлиги ҳамда энг асосийси, мустақилликнинг илк кунлариданоқ давлат бош ислохотчи деган ўша машҳур

¹ Қаранг: Ефимов В.И. Система государственной власти: теоретико-организационные основы и политическая динамика: Автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. – М., 1994. – С. 48. <http://www.lawlibrary.ru/izdanie/29151.html>

² Одилқориев Х.Т. Ўзбекистоннинг янги Конституцияси ва ҳокимиятлар тақсимланиши принципи. – Тошкент, 1993. – Б. 5.

беш тамойилнинг бирига асосланиб ривожланиш йўлини тўғри танлаганлигимиздадир.

Шу ўринда сўнгги ўн йилликлар давомида чоп этилаётган адабиётлардаги фикрларни таҳлил қиладиган бўлсак, кўпчилик назариётчи олимлар, давлат ва ҳукумат раҳбарлари, сиёсат ва жамоат арбоблари ижро этувчи ҳокимиятни янада кучайтириш тўғрисида кўпроқ фикр бераётганлигини кузатамиз. Улар ўзларининг билдирган фикрларига ғоявий асос сифатида ҳозирги даврнинг ўта чигал шароитида собитлик билан амалга ошириладиган қатъий ҳатти-ҳаракатларнинг зарурлиги, бунда лаёқатли, муайян масала бўйича тезкор чоратadbирлар кўриш, раҳбариятнинг зарур ҳолларда пайсалга солмай зудлик билан ҳаракат қилиши пировардида барча муаммоларнинг олдини олиш ва бартараф қилишнинг энг самарали усули эканлигини кўрсатишмоқда.

Бошқа муаллифлар эса, асосли равишда ижро этувчи ҳокимиятнинг ҳаддан зиёд кучайиб кетишидан вужудга келиши мумкин бўлган ўзига хос хавф борасида ташвишга тушишмоқда. Яъни, бу ҳолат мавжуд муаммоларни яна ҳам чигаллаштириб, ҳокимиятлар ўртасидаги нормал мувозанатга путур етказиши мумкин ҳамда ҳокимиятнинг тақсимланиш тамойилининг амалга ошишини мушкуллаштиради, дейишмоқда. Ўтиш давридаги таназзулдан чиқишнинг йўли нафақат кучли ижро этувчи ҳокимиятнинг мавжуд бўлиши, балки, шу билан бирга, кучли қонун чиқарувчи ва суд ҳокимиятларининг умумий ишга ўзининг характери, функциялари, вазифалари ва ҳоказоларни ҳисобга олган ҳолда ўз хиссаларини кўшишларида намоён бўлади¹. Таъкидлаш жоизки, республикамизнинг давлат қурилиши амалиётида бу йўналишда ижобий тенденция қарор топмоқдаки, унинг натижаси ўлароқ тўлақонли мустақил ва кучли қонун чиқарувчи ҳокимият ва суд ҳокимиятининг мустақиллигини оширишга қаратилган саъй-ҳаракатлар изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Айни пайтда, ўз табиатига кўра ижро этувчи ҳокимиятнинг фармойиш берувчи характери унинг имкониятларини ошиб кетиши, жамият бошқарув

¹ Қаранг: Сахаров Н.А. Институт президентства в современном мире. М.: Юрид. лит., 1994. – С.59.

тизгинини танҳо қўлга олиш хавфини туғдиради, ҳокимиятнинг бошқа тармоқлари назоратидан четга чиқиш эса, унинг аппаратини кенгайтириш ва бюрократлашувига, амалдорлар орасида коррупциянинг ортишига олиб келади. Шу муносабат билан ижро ҳокимияти органларига нисбатан қонун чиқарувчи ва суд ҳокимиятлари томонидан самарали назорат ўрнатилиши долзарб бўлиб қолади.

1.2. Ўзбекистон Республикасида маҳаллий ижро ҳокимиятининг ривожланиш бошқичлари ва тизими

Давлат мустақиллигига эришгач Ўзбекистон Республикасининг олдида давлат бошқаруви органларининг барча даражаларини ислоҳ қилиш зарурати юзага келди.

Ўзбекистонда мустақиллик шарофати билан ҳам миллий анъаналар, ҳам демократик кадриятларга асосланган янги типдаги давлат ҳокимиятини шакллантириш имконияти туғилди. Миллий давлатчиликини шакллантиришдаги ислохотлар Президент И.А.Каримов томонидан ишлаб чиқилган демократик жамият ва ҳуқуқий давлат барпо этишнинг тамойиллари ва йўналишлари асосида амалга оширилди. Давлат органлари тизимидаги институционал ўзгаришлар Президент И.А.Каримов таъкидлаганидек: “Ўзбекистон халқининг миллий, тарихий мероси, турмуш тарзи, анъаналари ва руҳияти хусусиятларига таяниши лозим”¹. Жойларда давлат ҳокимиятини ислоҳ қилиш масаласи Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришгандан сўнг ўз олдида турган долзарб масалалардан бири эди. Мамлакатимизда маҳаллий ҳокимият ислохотини ўтказишда бошқа давлатларнинг тажрибасини кўр-кўрона кўчириб олмай, балки ҳудуднинг ўзига хос шароитлари ва анъаналарини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилди. “Республикаимизда ижро органлари тизимини такомиллаштириш, уларнинг мавқеини кучайтириш чораларини кўришда давлатчилигимиз

¹ Қаранг: Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1-Т.: Ўзбекистон, 1996.- Б.276.

тарихига, миллий анъаналарга алоҳида эътибор берилди”². Аҳолининг миллий-тарихий турмуш ва тафаккур тарзидан келиб чиқиб, ҳудудий давлат бошқарувини яккабошчилик асосида амалга оширадиган ҳокимлик институти жорий этилди.

Давлат бошқарувини ҳудудларда ҳокимлар бошчилигида бошқаришни жорий этиш истиқлол туфайли миллий кадриятларимизнинг тикланиши бўлди, десак муболаға қилмаган бўламиз. Давлатчилигимиз тарихига назар ташлар эканмиз, тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, ҳудудларда маҳаллий давлат бошқаруви ҳокимлар асосида бошқарилганига гувоҳ бўламиз. Хусусан, “Темур тузуклари”да шундай дейилади: “Ҳар мамлакатда адолат эшигини очдим, зулму ситам йўлини тўсдим. (Ўз эрки билан) менга бўйсунган вилоят ҳокимларига ўша юрт ҳукумутини қайтариб бердим ва уларни инъому эҳсон билан кадрлаб, ўзимга мутеъ қилиб олдим. Бўйсунмаганларни эса қилмишига яраша жазоладим. Одил, оқил ва уddaбурон кишиларни уларга ҳоким этиб тайинладим”².

Шунингдек. XIX асрда яратилган қўлёзма манбаларда таъкидланишича, Қўқон хонлиги маъмурий, ҳудудий тузилишига кўра вилоятларга бўлиниб ҳокимлар томонидан, вилоятлар эса, ўз навбатида, бекликларга ажратилган ҳолда беклар томонидан бошқарилган. Бекликлар эса аминлик ва оқсоқолликдан ташкил топган. Хонликнинг ушбу маъмурий бўлинишини рус тадқиқотчиси В.Наливкин ҳам ўз асарида таъкидлайди. Қўқон хонлари – Маллахон (1858-1862) ва Худоёрхон (1865-1875) саройида хизмат қилган Мирзоолим Мирзараҳим ўғли Мушриф “Ансобус-салотин ва таворих ул-ҳавоқин” асарида Қўқон хони Шералихоннинг (1842-1845) ҳукмрон доира вакиллари билан кенгашиб Марғилонга ҳоким тайинлаганини қуйидагича тасвирлайди: “Аркони давлат билиттифоқ маслаҳат қилиб, Мусулмонқули қипчоқни ботурбоши қилдилар. Юсуф мингбошини

² Қаранг: Хусанов О.Т. Ўзбекистон Республикасининг давлат ҳокимияти вакиллик ва ижроия ҳокимияти органлари.Т.:Университет, 1994.- Б.40.

² Қаранг:Темур тузуклари // Форсчадан А. Соғуний ва Ҳ.Кароматов тарж; Б.Аҳмедов таҳрир. остида/. Т.: Нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991.-Б.144.

Марғилонга ҳоким қилдилар”. Бошқа бир манбада “Маллахон Ўтамбой кушбегини Тошканд ҳукуматидан олиб, Муҳаммад Мусо парвоначини Тошкандга ҳоким қилди” (Ўз ФА ШИ № 12136 рақамли қўлёзма, 14-варақ), - дея қайд этилади¹.

Юқоридаги тарихий манбалардан кўриниб турибдики, мамлакатимизда ҳудудий давлат бошқарувини ҳокимлар асосида бошқаришни жорий этиш ўзбек давлатчилиги анъаналарини, миллий кадриятларимизни қайтадан жонлаштирилиши эди.

Мустақиллик даврида шакланган янги давлатчилики Президент И.А.Каримов шундай ифодалайди: “Конституцияга мувофиқ, давлат ҳокимияти органларининг аввалги тоталитар тузумдан мутлақо фарқ қиладиган, ҳокимиятларнинг, яъни қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларининг бўлиниши принципига асосланган тизими яратилди. Уларнинг ҳар бири фаолиятида авторитаризм, ва тоталитаризмнинг хуружларини истисно этадиган чинакам демократик меъёрлар ва йўл-йўриқлар қарор топтирилди. Ташкил этилган ижро этувчи ҳокимият органлари олдингиларидан тубдан фарқ қилади. Улар режалаш-тақсимлаш вазифаларидан ҳоли бўлиб, иқтисодий сиёсатини мувофиқлаштириш ва тартибга солиш ролини бажармоқда. Кўплаб вазирликлар ўрнига бозор шароитларига мос бўлган хўжалик бирлашмалари, уюшмалари, концернлар, корпорациялар, холдинг компаниялар ташкил этилди. Давлат ҳокимияти органларининг янги тизими вужудга келтирилди. Унинг асосини ҳокимлар институти ташкил этади. Унда жойлардаги ижро этувчи ҳокимият билан вакиллик ҳокимияти раҳбарининг вазифалари бирлаштирилган”².

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларнинг пировард мақсади ҳам ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуришдир. Ҳозирги даврда

¹ Қаранг:Шерзодхон Махмудов. Қўқон хонлигида маҳаллий бошқарув тизими.-Т.:”Жамият ва бошқарув” №1.2004 й.

² Қаранг:Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсаҳасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.-Т.:”Ўзбекистон”,1997. 155-156-б.

хукукий давлат ва фуқаролик хукукий асослари яратилиб, демократик характердаги миллий давлатчилик шаклланди. Фуқаролик жамиятининг белгиси сифатида кўп партиявийлик ва ўзини-ўзи бошқариш органлари - жамоат бирлашмалари тизими шаклланди.

Жойларда давлат ҳокимиятини ислоҳ қилиш масаласи Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришгандан сўнг ўз олдида турган долзарб масалалардан бири эди. Мамлакатимизда маҳаллий ҳокимият ислохотини ўтказишда бошқа давлатларнинг тажрибасини кўр-кўрона кўриб олмай, балки ҳудуднинг ўзига хос шароитлари ва анъаналарини ҳисобга олган ҳолда таҳлил ва тажрибалар ўтказиш йўлидан борилди. Натижада Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1991 йил 18 ноябрдаги “Ўзбекистон пойтахти – Тошкент шаҳрини бошқариш мақоми ва структураси тўғрисида” ги қарори¹га асосан тажриба тариқасида биринчи бўлиб Тошкент шаҳрида шаҳар аҳолиси томонидан сайлаш йўли билан ҳокимлик институти жорий этилди. Шундан сўнг, ҳокимлар фаолиятининг хукукий заминлари яратила бошланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати томонидан 1991 йил 13 декабрда “Ўзбекистон Республикаси пойтахти – Тошкент шаҳрининг мақоми ва давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари органлари тўғрисида”ги вақтинча қонуни тасдиқланди. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан 1992 йилнинг 4 январиди “Ўзбекистон Республикаси маҳаллий органларини қайта ташкил этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни² қабул қилинди ва унга 1992 йил 14 январда Конституциявий қонун мақоми берилди. Ушбу қонун ҳоким лавозимининг хукукий мақомини белгилаб берган эди. Қонунда ҳокимлик институтини мустаҳкамлашнинг асосий сабаби-иқтисодиётнинг бозор муносабатларига ўтиш шароитидаги қийинчиликлар эканлиги баён этилди. Шу билан бирга ҳокимлар фақат ижро ҳокимияти органлари сифатидагина эмас, маҳаллий

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, 1-сон, (1189)-776.

² Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, 3-сон, 146- модда

вакиллик органларига ҳам раҳбарлик қилиш ваколатлари ҳам қонунда аниқ белгилаб қўйилган эди.

“Ўзбекистон Республикаси маҳаллий органларини қайта ташкил этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни янги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилингунга қадар амалда бўлган бўлса-да, ундаги баъзи қоидалар Конституцияда ҳам, Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги 1993 йил 2 сентябрь қонунда ҳам ифодасини топмаган бўлиб, у қоидалар қуйидагилардан иборатдир:

- вилоятларнинг ҳокимлари Президентнинг жойлардаги расмий вакиллари бўладилар;
- шаҳарлардаги туманларнинг ҳокимлари тегишли шаҳар ҳокими томонидан тайинланиб, халқ депутатлари тегишли шаҳардаги туман Кенгаши томонидан тасдиқланадилар(маълумки, шаҳар таркибидаги туманларда халқ депутатлари Кенгашлари ташкил этилмайди).
- Ҳоким Ўзбекистон Республикаси қонунларида ўзига бериб қўйилган ваколатлар доирасида қарорлар ва фармойишлар чиқаради(қарор чиқарилмайди, қабул қилинади).

Биринчи марта мамлакат миқёсида маҳаллий ижроия ҳокимияти органи бошлиғи сифатида ҳоким лавозими таъсис этилди. Маҳаллий давлат ҳокимияти тизимидаги ижро органи фаолиятида яккабошчилик асосидаги раҳбарликнинг тузилишига асосий сабаб шунда эдики, қийин ўтиш давридаги чуқур ислохотларни кучли ва қаттиқ қўл ижро ҳокимиятисиз амалга ошириб бўлмас эди. Давлатнинг бош ислохотчилик роли табиий зарурат бўлиб, эски тоталитар тузумдан янги жамиятга ўтиш учун фақат кучли ижро ҳокимияти керак эди.

1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикасининг биринчи янги Конституциянинг қабул қилиниши маҳаллий давлат ҳокимияти органларини ривожланишидаги муҳим даврни бошлаб берди. Ўзбекистон Республикаси

Конституциясининг XXI боби “Маҳаллий давлат ҳокимияти асослари” деб номланиб, мазкур боб ўз ичига 99-105-моддаларни олади¹.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 99-моддасида шундай дейилади: “Вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда (туманга бўйсунадиган шаҳарлардан, шунингдек шаҳар таркибига кирувчи туманлардан ташқари) ҳокимлар бошчилик қиладиган халқ депутатлари Кенгашлари ҳокимиятининг вакиллик органлари бўлиб, улар давлат ва фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб ўз ваколатларига тааллуқли масалаларни ҳал этадилар”.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида маҳаллий ҳокимият органларининг ҳуқуқий асослари етук ва демократик давлатлар тажрибасини чуқур ўрганиш, миллий мерос ва анъаналарни эътиборга олган ҳолда мамлакатимиз тарихий анъаналари асосида яратилди. Конституциянинг 101-моддасига биноан: “Маҳаллий ҳокимият органлари Ўзбекистон Республикасининг қонунларини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларини, давлат ҳокимияти юқори органларининг қарорларини амалга оширадилар, республика ва маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни муҳокама қилишда қатнашадилар.

Юқори органларнинг ўзларига берилган ваколат доирасида қабул қилган қарорлари қуйи органлар ижро этиши учун мажбурийдир.” Шунингдек, ушбу модданинг ўзида халқ депутатлари Кенгашлари ва ҳокимларнинг ваколат муддати бир хил 5 йил қилиб белгиланди.

Президент И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Ҳокимлар – Президентнинг жойлардаги вакиллари. Президент олға сураётган сиёсатни одамлар онгига етказиш, уларни белгилаб олинган тараққиёт йўлидан бошлаш, улуғвор ишларга даъват этиш ҳокимларнинг муқаддас бурчидир. Шундай экан, халқ билан бирга бўлиш керак. Улуғ мақсад – Ўзбекистоннинг мутараққий давлатлар сафидан ўрин олиши, халқимизнинг фаровон

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2003. – Б.40.

турмушга эришуви йўлида бир тану бир жон бўлиб ҳаракат қилиш зарур”¹.

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 январдаги 2-қарори асосида амалга оширилган ишлар натижасида ҳудудий бошқарув самарадорлигини ошириш мақсадида беш шаҳарда (Самарқанд, Бухоро, Фарғона, Наманган, Навоий) саккизта туман тугатилганини ҳам таъкидлаб ўтиш керак, бу ерда туман ҳокимликлари ва ҳудудий бошқарув органлари ёпилди. Улар: Сиёб, Боғишамол, Темирийўл, Файзулла Хўжаев, Тўқимачилик, Қиргули, Давлатобод ва Кармана туманларидир. Уларнинг вазифалари юқори турувчи шаҳар ҳокимликлари ва функционал бошқарув органларига берилди.

Мамлакатимизда бозор иқтисодиётига ўтишнинг қийин жараёнлари, айниқса, мулк муносабатларининг вужудга келиши, ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш, хўжалик юритишнинг янги усуллари вужудга келиши билан бутунлай янги типдаги маҳаллий давлат ҳокимияти органларига эҳтиёж сезилган эди. Бундай давлат органи ўз ваколатига доир масалаларни тезкорлик билан ҳал қилиш қобилиятига эга бўлиши керак эди. Ана шуларнинг ҳаммаси маҳаллий ижроия ҳокимияти органларини яккабошчилик асосида ташкил қилиш мақсадга мувофиқлигини кўрсатди. “Ўзбек давлатчилиги тарихида давлат бошлиғи фаолиятида, идора органларида яккабошчилик муҳим хусусият ҳисобланган, чунки у маъсулиятни оширади”².

Ушбу ҳолат Конституциянинг 103-моддасида қуйидагича ўз ифодасини топди: “Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари ўз ваколатларини яккабошчилик асосларида амалга оширадilar ва ўзлари раҳбарлик қилаётган органларнинг қарорлари ва фаолияти учун шахсан жавобгардирлар”. Шунингдек ушбу моддада ҳокимларнинг ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг фаолиятини ташкил қилиш, уларнинг ваколат доирасини ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларини сайлаш тартиби қонун билан белгиланиши айтиб

¹ Қаранг:Каримов И.А. Биздан озод ва обод ватан қолсин.Т.2.-Т.:”Ўзбекистон”,1996.-380б.

² Қаранг:Хусанов О.Т. Ўзбекистон Республикасининг давлат ҳокимияти вакиллик ва ижроия ҳокимияти органлари.Т.:Университет, 1994.-40 б.

ўтилди.

Ва Конституциянинг мазкур моддаси асосида 1993 йилнинг 2 сентябрида Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуни¹ қабул қилинди.

Мазкур қонун ҳокимларнинг ҳуқуқий мақомини белгилаб берувчи махсус қонун бўлиб, унинг 1-моддасида “Вилоят, туман, шаҳар ҳокими вилоят, туман ва шаҳарнинг олий мансабдор шахси бўлиб, айти бир вақтда тегишли ҳудуддаги вакиллик ва ижроия ҳокимиятини бошқаради. Вилоят ҳокими, Тошкент шаҳар ҳокими Ўзбекистон Республикаси Президенти ва тегишли халқ депутатлари Кенгаши олдида ҳисобдордирлар. Туман, шаҳар ҳокими юқори турувчи ҳоким ва тегишли халқ депутатлари Кенгаши олдида ҳисобдордир”, деб мустаҳкамлаб қўйилди.

Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари ўз ваколатларини яккабошчилик асосларида амалга оширадilar ва ўзлари раҳбарлик қилаётган органларининг қарорлари ва фаолияти учун шахсан жавобгардирлар. Ҳокимларнинг ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг фаолиятини ташкил этиш, уларнинг ваколат доирасини ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларини сайлаш тартиби қонун билан белгиланади. Ҳоким ўзига берилган ваколатлар доирасида тегишли ҳудуддаги барча корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалар, шунингдек мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар қабул қилади.

Давлат органлари бошқа институтлар каби янги вужудга келаётган муносабатлар таъсирида мукаммаллашиб боради. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳам демократик ислохотлар, давлат қурилишини эркинлаштириш жараёнида такомиллашиб бормоқда. Давлат қурилишини эркинлаштириш давлат бошқарувини номарказлаштиришни, яъни марказий ҳокимият органларн ваколатларини қуйи органларга ўтказишни тақозо этади.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, 9-сон, 321- модда.

Швеция ва бошқа кўпчилик давлатларда 1980 йилдан – 1994 йилгача давлат ҳокимиятининг катта қисми маҳаллий ҳокимият органларига ўтказилди¹.

Маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ва уларнинг аппаратлари ривожланган мамлакатлардаги давлат ташкилотларининг йирик бўғинларидан бирига айланди. Жумладан, АҚШдаги муниципал хизматда давлатдаги барча хизматчиларнинг 55 фоизи фаолият кўрсатади². Маҳаллий ижро бошқаруви органлари ўзларининг сайланишлари ва маҳаллий аҳолининг вакиллари сифатидаги расмий ўринларига биноан вакиллик тизимининг таркибий қисмларидан биридир. Уларнинг иқтисодий ва ижтимоий соҳадаги фаолиятлари аҳоли учун улкан аҳамиятга эгадир. Муниципал органларда давлат аппаратининг бошқа бўғинларига нисбатан бюрократизмга берилиш камроқ бўлади. Ана шу барча фазилатлар сайланадиган маҳаллий бошқарувни демократия қадриятларидан бирига айлантирди.

Кўриниб турибдики, Ўзбекистон давлати ва унинг Президенти И.А.Каримов миллий мустақилликнинг дастлабки даврдан бошлаб мамлакатда ҳуқуқий давлатга хос бўлган давлат ҳокимияти органларини шакллантириш йўлини тутди. Лекин, шу билан бирга, демократик ислохотлар жараёнларида авлод-аждодларимиз мерос этиб қолдирган давлатчилик анъаналари, демократик қадриятлар унсурлари замонавий демократик тамойиллар билан уйғунлаштириб боришга жазм этилди. Шу мақсадларда давлат қурилишида соф миллий характерга эга бўлган, шу билан бирга демократик қадриятлар билан уйғунлашиши натижасида янги мазмун касб этган ҳокимият органларини шакллантириш ислохотлари бошланди.

Қонунларда маҳаллий ҳокимиятга доир ижтимоий муносабатлар тўғри тартибга солинган ва аксарият меъёрларнинг амал қилишига реал имкониятлар бор. Тажриба билан қонун меъёрлари ўртасида номуносиблик

¹ Қаранг: Передача функций государственных органов: опыт стран западной Европы. Издание проекта Tacis EDUZ 9802. С.8.

² Қаранг: Современные Соединенные Штаты Америки. -М.: «Политиздат», 1998. – С.78-79.

йўқ. Лекин Қонунларни ўрганиш, уларни амалда қўлланилишини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, баъзи қоидаларни ўзгартириш зарурати сезилади.

1.3. Маҳаллий ижро ҳокимиятини шакллантириш ва фаолиятига оид асосий тамойиллар

Мамлакатизда олиб борилаётган мунтазам ислохотлар натижасида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини янада ислоҳ қилиш, такомиллаштириш масалалари муҳим вазифаларидан бири сифатида турибди. Охирги йилларда маҳаллий ижро ҳокимияти органларини шакллантириш масалаларида ҳам кўплаб янги тартиб қоидалар қабул қилинмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусидаги маърузасидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78,80, 93, 96, 98-моддаларига қўшимча ва тузатишлар киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 102-моддаси бўйича Вакиллик ва ижроия ҳокимиятини тегишлилигига қараб вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари бошқаради. Вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қонунга мувофиқ тайинланади ҳамда лавозимидан озод этилади.

Туман ва шаҳарларнинг ҳокимлари тегишли вилоят ҳокими томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади ҳамда тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланади. Шаҳарлардаги туманларнинг ҳокимлари тегишли шаҳар ҳокими томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади ҳамда халқ депутатлари шаҳар Кенгаши томонидан тасдиқланади. Туманларга бўйсунадиган шаҳарларнинг ҳокимлари туман ҳокими томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади ҳамда халқ депутатлари туман Кенгаши томонидан тасдиқланади.

2007 йил 11 апрелдаги Ўзбекистон Республикасининг “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”¹ги конституциявий қонуннинг қабул қилиниши Ўзбекистон Республикасида маҳаллий давлат ҳокимияти тизимида ҳам изчил конституциявий ҳуқуқий ислохотларни амалга оширишга асос бўлди. Шунга мувофиқ вилоят, Тошкент шаҳар ҳокимини тайинлаш ва тасдиқлашнинг янги тартиби белгиланди. Вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими номзодлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тегишли халқ депутатлари Кенгашларидаги партия гуруҳларининг ҳар бири билан маслаҳатлашувлар ўтказилганидан сўнг халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашига тасдиқлаш учун тақдим этиладиган бўлди.

Тегисли халқ депутатлари Кенгаши депутатлари умумий сонининг кўпчилик овозини олган вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими номзоди тасдиқланган ҳисобланади.

Агар овоз бериш вақтида вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими номзодлари тегишли халқ депутатлари Кенгаши депутатлари умумий сонининг кўпчилик овозини ололмаса, Ўзбекистон Республикаси Президенти мазкур лавозимларга номзодларни партия гуруҳлари билан қўшимча маслаҳатлашувлар ўтказганидан сўнг бир ой ичида яна икки марта тақдим этиш ҳуқуқига эга. Номзодлар уч марта рад этган тақдирда, юқорида келтириб ўтилганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти тегишли халқ депутатлари Кенгашини тарқатиб юбориш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Президенти халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг қарорига мувофиқ ҳоким номзоди бўйича фармон қабул қилади.

¹ Ўзбекистон Республикаси “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш, ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Конституциявий қонуни// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007.- №15.- 151-модда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусидаги маърузасидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатлари ифода этилган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 93-моддасининг 15-бандига “вилоятлар ҳокимларини ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимини қонунга мувофиқ тайинлайди ҳамда лавозимидан озод этади” деган сўзлардан олдин “Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тақдимида биноан ...” деган сўзлар киритилди¹.

Ушбу ўзгартиш, аввало, давлат бошқарувини янада либераллаштириш бўйича амалга оширилаётган изчил ислохотлар билан боғлиқ. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш бўйича амалга оширилаётган ишлар давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасидаги ўзгаришларнинг муҳим таркибий қисмидир. Мазкур ўзгартиш орқали маҳаллий ижро этувчи орган раҳбари, яъни ҳокимни лавозимга тайинлашда марказий ижро этувчи ҳокимият раҳбари бўлган Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг иштирок этиш ҳуқуқи таъминланди. Бинобарин, ижро этувчи ҳокимият раҳбари сифатида Бош вазирга ҳокимлар фаолияти ҳақида батафсил маълумотга эга бўлиш, улар билан мустаҳкам алоқани йўлга қўйиш, жойлардаги ижтимоий-иқтисодий соҳаларга оид масалаларни ҳал қилишдаги фаолиятини таҳлил қилиш имконини беради.

Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 21-моддасига биноан вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари ҳамда ўринбосарлари ҳоким томонидан Ўзбекистон Республикасининг Президенти билан келишилган ҳолда

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 16(464)-сон, 2011. – 160- модда.

лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади, бу хусусда қабул қилинган қарор тегишли халқ депутатлари Кенгашининг тасдиғига киритилади¹.

Туман, шаҳар ҳокимининг ўринбосарлари тегишли ҳоким томонидан юқори турувчи ҳоким билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади, бу хусусда қабул қилинган қарор туман, шаҳар халқ депутатлари Кенгашининг тасдиғига киритилади. Шаҳардаги туман, туманга бўйсунувчи шаҳар ҳокимининг ўринбосарлари тегишли ҳоким томонидан юқори турувчи ҳоким билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

2007 йил 11 апрелдаги Ўзбекистон Республикасининг “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги конституциявий қонуннинг 7-моддасида халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари депутатларининг вилоят ҳамда Тошкент шаҳар ҳокими фаолияти устидан назорат қилиш вазифалари келитириб ўтилган.

Назорат қилиш вазифалари самарадорлигини ошириш мақсадида халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳларига вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими лавозимига тасдиқланган шахсларнинг қониқарсиз фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига асосланган хулосалар тақдим этиш ташаббуси ҳуқуқи берилади. Бундай ташаббус етакчи партия гуруҳлари томонидан қўллаб-қувватланган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Президенти бу ташаббуснинг халқ депутатлари Кенгашидаги муҳокамасини тайинлайди ва муҳокама натижаларига мувофиқ қарор қабул қилади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ягона тизимга бирлашган ҳолда ўз фаолиятларини маълум бир йўналиш ва мазмунда амалга оширишлари учун ҳал

¹ Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси 02.09.1993 й. 913-ХП-сон Қонуни)

килувчи аҳамиятга эга бўлган қатор асосларга таянадилар. Барча буғиндаги давлат ҳокимияти вакиллик органларини фаолияти ва уни ташкил этишни ўзига хослиги шундаки, ҳам олий вакиллик органлари, ҳам маҳаллий вакиллик органлари функционал жиҳатдан бир хил принципларга таянади. Фақат олий вакиллик органлари фаолиятида айрим ўзига хос кўринишлар мавжуд бўлиши мумкин.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ташкил этилиши ва фаолиятидаги демократик принциплар ёрдамида мамлакатимизнинг фуқаролари давлат бошқарувига жалб қилинади, жамиятда рўй берадиган муҳим масалаларни ҳал этиш ва уларни ҳаётга татбиқ қилишда фаол иштирок этадилар.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ташкил этилиши ва фаолиятидаги демократик принциплар деганда маҳаллий давлат ҳокимияти органларини ташкил этиш ҳамда фаолиятининг ҳал қилувчи шакл ва услубларини белгилаб берувчи асосий ғоялар, қарашлар тушунилади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятида фуқаролар ва жамоат бирлашмаларининг иштироки принципи. Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 1-моддасида “Халқ депутатлари Кенгаши ва ҳоким аҳолини вилоят, туман ва шаҳарни бошқаришга жалб этишни таъминлайди”, дейилган. Бу фуқароларни кенгаш ва унинг органлари фаолиятига жалб этиш принциpidир.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларини ташкил этиш ва фаолиятининг асосий принципларини устуворлигини таъминлаш, уларга доимий равишда амал қилиш, уларнинг ижро қилиниши қонунчилик талабларидан бири эканлигини билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойилларини белгилаб берар экан, яқин келажакда фуқароларнинг сиёсий жараёнларда, давлатни бошқаришда қатнашувини таъминлайдиган ҳуқуқий асосларни такомиллаштиришга алоҳида эътибор бериш кераклигини таъкидлади.

Халқ депутатлари Кенгашлари аҳолининг ёрдамсиз уларнинг таркиби кўп сонли бўлишга қарамасдан, фақат ўз депутатларининг кучига суянган ҳолда

хукукий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш бўйича олдиларида турган жуда катта, кўп қиррали вазифаларни муваффақиятли ҳал қила олмайдилар. Бу бошқарув аппарати фаолиятини тинмай такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Фуқароларнинг кенгашлар ишидаги иштирокини, ҳар хил асосларга кўра ажратиб кўрсатиш мумкин. Бу иштирок индивидуал ва жамоавий характерга эга бўлиши мумкин. Ҳокимлар маҳкамаси бўлим ва бошқармаларида жамоатчилик асосида инспектор бўлиб ишлашлари ва ҳоказолар киради.

Аҳолининг кенгашларнинг фаолиятида жамоа бўлиб ишлаш шакллари уч турга ажралади. *Биринчи* турига давлат ҳокимияти органларида халқ оммасининг жамоатчилик ташкилотлари орқали иштироки, *иккинчи* турига жамоатчилик ташаббускор ташкилотларининг Кенгаш фаолиятида иштироки ва учинчи турига фуқароларнинг ишлаб чиқаришдаги ва турар жойлардаги мажлислари киради. Ана шундай мажлисларда кенгаш ва унинг органлари ваколатларига кирувчи масалаларни дастлабки тарзда муҳокама қилиш ўтказилади.

Фуқароларни ҳоким ижроия аппаратида жамоатчилик асосида ишлашга жалб этиш қуйидаги йўналишларда олиб борилади:

- а) ҳоким ижроия аппаратида штатсиз бирлашмалар, ҳар хил комиссиялар, штатсиз инструкторлар сифатида фаолият олиб бориш;
- б) маҳаллий ижроия ҳокимияти органларида мустақил звенолар сифатида ташкил этиладиган штатсиз бирлашмалар;
- в) бўлимлар қошида тузиладиган жамоатчилик кенгашларида бўлим бошлиқлари, инспектор ва инструкторларнинг штатсиз ўринбосарлари сифатида фаолият кўрсатиш.

Халқ ҳокимиятчилиги (демократизм) принципи. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида Ўзбекистон халқининг демократия ва ижтимоий адолатга содиқлиги эълон қилинади.

Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ¹ вилоят, туман ва шаҳар ҳокими вилоят, туман ва шаҳарнинг

олий мансабдор шахси бўлиб, айти бир вақтда, тегишли ҳудуддаги вакиллик ва ижроия ҳокимиятини бошқаради. Вилоят ҳокими, Тошкент шаҳар ҳокими Ўзбекистон Республикаси Президенти ва тегишли халқ депутатлари Кенгаши олдида ҳисобдордирлар. Туман, шаҳар ҳокими юқори турувчи ҳоким ва тегишли халқ депутатлари Кенгаши олдида ҳисобдордир.

Коллегиаллик принципи. Коллегиалликнинг моҳияти шундаки, ҳокимликлар, уларнинг органлари ўз фаолиятларида фақатгина ўзларининг билим ва тажрибаларигагина суяниб қолмайдилар. Асосланган қарорлар қабул қилиш ва уларнинг ижросини таъминлаши учун мутахассисларнинг, жамоатчиликнинг ташаббуси, тажрибаси кенг ва доимо ишлатилади. Коллегиал тарзда иш кўриш - тўғри ва керакли вақтда зарур қарорлар қабул қилишни таъминлайди.

Қонунийлик принципи барча маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг энг муҳим ташкилий сиёсий ва ҳуқуқий принципларидан биридир. Шунинг учун ҳам бу принципнинг асослари Ўзбекистон Республикасининг Конституциянинг 15-моддасида “Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар” - дейилади. Қонунийликнинг моҳияти ҳамма давлат органлари, жамоат ташкилотлари, мансабдор шахслар ва фуқаролар қабул қилинган меъёрий ҳужжатларга бир хилда риоя қилишларини билдиради. Қонунийлик принципи давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолияти, энг аввало, мазкур органларнинг тизими ва уларнинг ташкил этилиш тартиби асосий қонунда - Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида мустаҳкамланган.

Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунида халқ депутатлари Кенгаши ва ҳокимнинг фаолиятида қонунийликнинг кафолатлари берилган. Шу қонуннинг 26-моддасига мувофиқ, Ҳокимларнинг

¹ «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябр қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, 9-сон, 321- модда.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, ҳукумат ҳужжатларига зид келадиган меъёрий ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тўхтатилади ва бекор қилинади. Бундан, ташқари юқорида кўрсатилган қонуннинг 28-моддасига мувофиқ ҳоким қабул қилган ва чиқарган ҳужжатлар устидан фуқаролар, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар судга шикоят қилишлари мумкин.

Ошкоралик принципи. Ҳоким фаолияти, қарорлар қабул қилишдан тортиб уларнинг ижросини таъминлашгача бўлган жараён кенг омма иштирокида уларни хабардор этиш орқали амалга оширилади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг ошкоралигини таъминлаш усуллари жуда ҳам турли-туман, лекин улар бир-биридан ажралиб қолган эмас, уларнинг демократик асоси ва мақсади бирдир. Бу усулларнинг алоҳида олинган биттаси ҳокмиликлар ва Кенгашлар фаолиятининг ошкоралигини таъминлай олмайди, албатта. Лекин уларнинг ҳаммаси ҳокимлар ва мансабдор шахсларнинг омма олдида ва уларнинг иштирокида иш олиб боришига муҳим омил бўлади. Мамлакатимизда “Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг очиқлиги тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши, фуқароларнинг маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолиятидан доимий хабардор бўлиб бориши, қолаверса, ўзларининг жамоатчилик назоратини ўрнатишларида муҳим ҳуқуқий кафолат сифатида хизмат қилади.

Давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятида илмийлик принципини аҳамияти. Бошқариш ва бошқарув меҳнатини илмий ташкил этиш маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятига ҳам татбиқ қилинади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолияти самарадорлигининг муҳим омилларидан бири бошқариш ва бошқарув меҳнатини илмий ташкил этиш талабларига жавоб беришдир. Бошқариш ва бошқарув меҳнатини илмий ташкил этиш бошқариш ва раҳбарликда ҳозирги замон техникаси ва фани ютуқларини қўллаган ҳолда юқори меҳнат унумдорлигига эришишдир. Маҳаллий давлат

хокимияти органлари фаолиятига бошқариш ва бошқарув меҳнатини илмий ташкил этиш талабларини жорий этиш давлат бошқарувини доимий такомиллаштиришнинг муҳим йўналишларидан биридир.

Кўрилаётган принцип талабларининг маҳаллий ижро органлари фаолиятига жорий этилишида қуйидаги асосий йўналишлар мавжуд: *биринчидан*, маҳаллий ижро органларининг ҳар хил қисмлари, аппарат ходимлари ўртасида вазифаларнинг, ҳуқуқ ва функцияларнинг оқилона тақсимланиши; *иккинчидан*, ҳар бир орган ва ҳар бир ходимнинг вазифа ва ваколатларига мос равишда функцияларни аниқ белгилаш; *учинчидан*, ходимларнинг аниқ бўйсунлиги ва ҳисоб беришлигини аниқлаб бериш; *тўртинчидан*, ходимларни уларнинг ишни билишлари, тажрибалари, ташкилий қобилиятларини ҳисобга олган ҳолда жой-жойига қўйиш; *бешинчидан*, кадрлар малакасини ошириш, ўқишнинг доимий тизимини яратиш; *олтинчидан*, бошқариш меҳнатининг самарадорлигини ошириш, моддий ва маънавий меъёрларнинг ўзаро тўғри нисбатларини белгилаб бериш; *еттинчидан*, маҳаллий ижро органларининг барча қисмларини, штатли ходимларнинг ишларини тўғри баҳолаш ва тўғри зарур қарорлар қабул қилиш учун етарли бўлган маълумотлар билан мунтазам равишда таъминлаб туриш ва, ниҳоят, *саккизинчидан*, маҳаллий ижро органларининг ишига ҳозирги замон ҳисоблаш ва ташкилий техника воситаларини татбиқ қилиш.

II БОБ. Ўзбекистон Республикасида маҳаллий ижро

ҳокимиятининг ҳуқуқий мақоми

2.1 Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимларининг вазифалари ва ваколатлари

Жойлардаги маҳаллий ҳокимият органи - ҳокимиятлар бўлиб, уларнинг ваколатларини ҳоким ваколатлари орқали кўриб чиқамиз. «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонуннинг 25- моддаси «ҳокимнинг ваколатлари», деб номланган. У ердаги ваколатлари кўрадиган бўлсак улар юқори ва вакиллик, органларида белгиланган ижро билан бевосита боғлиқ йўналишларни амалга оширишни назарда тутди.

“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 25-моддасининг биринчи бандида “Ҳокимлар қонунлар ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг бошқа ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикасининг Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари, юқори турувчи органлар ва тегишли халқ депутатлари Кенгаши қарорларининг ижросини ташкил этади” дейилган. Бу кўпроқ ваколатдан кўра вазифага ўхшаб кетади. Шу вазифани бажариш юзасидан ҳоким ваколатлари эса, тегишли Қонунларда мустаҳкамланган.

Ҳокимга берилган ваколатларни синчиклаб ўрганиш шуни кўрсатадики, улар мақсад, вазифаси, мазмунга кўра турли гуруҳларга бўлиниши мумкин. “Ҳокимларнинг ваколатлари, аввало, биринчидан ўзини мустақил ваколатларига иккинчидан, албатта сессия тасдиғидан ўтказиш зарур ваколатларига бўлинади”¹.

Ҳоким ўзининг мустақил ваколатларини амалга оширганда, улар сессия тасдиғига киритилмайди. Масалан ҳокимлик аппарати бўлинмалари бошлиқларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш, мансабдор шахсларни интизомий жавобгарликка тортиш тўғрисида тавсия киритиш, давлат мукофотлари билан тақдирлаш учун таклифлар киритиш ва ҳоказо.

¹ Қаранг: Хусанов О.Т. Ўзбекистон Республикаси давлат органлари: Ўқув қўлланма.-Т.:Шарқ,1996,- Б.63.

Иккинчи гуруҳ ваколатларини амалга оширганда албатта у сессия тасдиғига киритилиши керак. Бу ҳуқуқларга ўз ўринбосарларини тайинлаш ва бошқалар киради.

Бу ҳуқуқларнинг амалга оширишнинг яна бир ўзига хос хусусияти бор, яъни ҳокимлар олдиндан юқори органлар билан маслаҳатлашиб олади. Масалан, вилоят ҳокими ўз ўринбосарини Президент билан, туман ҳокими ўз ўринбосарини вилоят ҳокими билан келишиб тайинлайди ва лавозимдан озод қилади. Бўлинма раҳбарларини тайинлашда ҳам шу турдаги юқори органлар билан келишилади. Масалан, туман соғлиқни сақлаш бўлимининг бошлиғи, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг бошлиғи билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

Ҳоким ваколатлари мақсадига кўра гуруҳланиши мумкин. Масалан:

- вакиллик органларининг ишини ташкил қилиш билан боғлиқ ваколатлар;
- қонунийлик, ҳуқуқий тартибот, жиноятчиликка қарши кураш ва фуқароларнинг манфаати билан борлиқ ваколатлар;
- ўзининг ўринбосарлари ва таркибий бўлинмаларини ва аппаратини тайинлаш ва тузиш, давлат органлари, корхона, ташкилот, муассасалар фаолияти устидан назорат қилиш билан боғлиқ ваколатлар;
- бюджет, унинг ижроси ҳақидаги ҳисобот, молия, ҳисоб-китоб, мулкчилик муносабатлари, ердан фойдаланиш муносабатлари, табиатни муҳофаза қилиш, савдо, соғлиқни сақлаш, маиший хизмат кўрсатиш, қурилиш, транспорт, алоқа соҳасидаги, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатларни кўрсатиш мумкин¹.

Ҳокимларнинг қонунда белгиланган муҳим ваколатларидан бири, аҳолини қабул қилишни уюштиришдир. Аҳолини қабул қилиш билан, уларнинг талаб-эҳтиёжлари, истаклари аниқланади. Аҳолининг шикоят ва аризалари ўрганилиб, баъзи ҳуқуқ бузилишларига барҳам берилади.

¹ Қаранг: Хусанов О.Т. Ўзбекистон Республикаси давлат органлари: Ўқув қўлланма.-Т.:Шарқ,1996, Б.64-65.

Уларнинг бузилган ҳуқуқлари қайта тикланади.

Ҳокимлар аҳолини қабул қилиш, уларнинг таклиф, ариза ва шикоятларини ҳал қилиш билангина чекланмай, бу иш ўз ҳудудида бошқа давлат органлари, ташкилот, корхона, муассасаларда ва жамоат ташкилотларида қандай йўлга қўйилганлигини ҳам назорат қилади.

Ҳокимларнинг ваколати, уларнинг яккабошчилик кўринишида иш юритиш характеридан келиб чиқади. Ҳоким лавозимининг ўрнатилишининг ўзи ижрони кучайтиришни назарда тутган эди. Уларнинг асосий ваколати ҳам ижрочилик фаолиятдан келиб чиқади. Маҳаллий ҳудудларда республика миқёсидаги бевосита иштирок этиши ёки бу ишда ўзининг таркибий тузулмаларига таяниши мумкин.

Ҳокимларни қонунийлик ҳуқуқий-тартибот, жамоат тартибини сақлаш, фуқароларининг манфаати билан боғлиқ ваколатларига қонунунийликни таъминлаш, ҳуқуқий тартиботни мустаҳкамлаш чораларини кўриш, жиноятчиликка қарши кураш чораларини белгилаш, бу ишда маъсул органларнинг фаолиятини йўналтириш, бу ишга жамоатчиликни жалб қилиш ишлари киради. Бундан ташқари, табиий офатлар, эпидемиялар ва бошқа фавкулотда ҳолларда тегишли ишларни ташкил этиш ваколатига зга. Бу масалаларни ҳал қилишдаги ҳокимларнинг ваколатлари муаммони ҳал қилишнинг умумий йўналишларини белгилашни тақозо этади. Яъни, ҳокимлар жамоат тартибини сақлаш чораларини кўрар эканлар, алкоголизмга, гиёҳвандликка қарши кураш чораларини белгилайдилар, тадбирлар ишлаб чиқади. Вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ишларини белгилайди.

Кейинги пайтда мамлакатимиз мустақиллиги ва осойишталигига хавф солаётган диний экстремизмга қарши кураш чора-тадбирларини кўради. Табиий офатларга қарши кураш Ўзбекистоннинг, айниқса, айрим ҳудудларида ҳокимларнинг диққат марказида бўлади. Қонунда ҳокимларнинг ваколати сифатида кўрсатилган бу вазифа ҳам кўпроқ уларнинг зиммасида бўлиб, шу вазифани бажариш юзасидан келиб чиқадиган ҳоким ваколатлари

бошқа қонун ва ҳужжатларда аниқроқ белгиланган. Бундан ташқари, ҳокимларнинг бу ваколатлари масалани умумий ҳал қилишни назарда тутати, чунки юқоридаги масалалар билан аниқроқ шуғулланадиган махсус тузилмалар – ҳокимдан мустақил ҳокимият тузилмалари ҳам мавжуд. Булар Суд, прокуратура, миллий хавфсизлик, Фавқулотда вазиятлар вазирлиги органларидир. Ҳоким ушбу ваколатларини амалга ошириш учун тегишли масалалар юзасидан комиссиялар тузиб, ҳуқуқ-тартибот органларининг фаолиятини мувофиқлаштиради. Масалан Қўқон шаҳрида гиёҳвандликка қарши кураш комиссияси тузилиб, ҳоким ҳуқуқ-тартибот органларининг мазкур йўналишдаги фаолиятларини мувофиқлаштиради.

Ҳокимлар ҳудудни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг асосий йўналишларини вилоят, туман, шаҳар бюджетининг асосий кўрсаткичларини ва уларнинг ижросига доир ҳисоботларни Кенгаш тасдиғига киритиш ваколатига эга. Ҳокимларнинг бу ваколати иқтисод билан боғлиқ масалаларни ҳал этишга қаратилган. Бу тўғридан-тўғри ҳудуддаги аҳолининг турмуш тарзига таъсир этади. Ваколатлари орқали ҳокимлар турли тармоқ идоралари фаолиятига раҳбарлик қиладилар. Буни амалга оширишга хўжалик, маданий қурилиш ташкилотлари жалб қилинади. Масалаларни ҳал қилишда молия асосий ролни ташкил этади. Шунинг учун ҳудуд бюджетини тузиш ва уни тасдиққа киритиш ҳоким ваколатига киради. Ҳокимларнинг мазкур ваколати, вакиллик органида ҳал қилинадиган масалаларни тайёрлаш ва кўмаклашиш жараёнини акс эттиради.

Ҳокимлар ўз ўринбосарлари ва ҳокимлик тизими бўлинмаларининг раҳбарларини лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод этади. Ҳоким ўз вазифасини яккабошчилик асосида олиб бориши белгиланган бўлса-да, унинг вазифаси кенг қамровли бўлганлиги учун турли соҳаларга жавоб берувчи, мувофиқлаштирувчи, ўзига ёрдам берувчи хизматчи - ўринбосарларга муҳтож. Ҳоким ўринбосарлари ҳудуддаги турли тармоқлар ишини мувофиқлаштириб, уларга раҳбарлик қилади. Шунингдек, ҳудуддаги халқ хўжалиги, маданий қурилишнинг турли тармоқларининг бошқарувчи

идоралар раҳбарларини (қурилиш, қишлоқ хўжалиги, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, аҳолига турли хизмат кўрсатувчи идоралар) лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод этади ҳамда бу ҳақдаги қарорни ҳам тасдиқлаш учун Кенгаш сессиясига киритади.

Ҳокимлар ўз аппарати бўлинмаларининг раҳбарларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш ваколатига эга. Ҳоким ўз ташкилий фаолиятини ҳузуридаги аппарат орқали амалга оширади. Ҳокимга тегишли ҳужжатларни тайёрлаш, кадрлар масаласини ҳал қилиш, вакиллик органи, унинг доимий хайъатлари ва депутатлари билан кундалик ҳамда доимий алоқа ўрнатишга, ҳокимнинг тармоқ идоралари билан боғланишга, аҳоли эҳтиёжларини ўрганишга аппарат ёрдам беради. Ҳоким ваколатларни унинг аппарати тузилмалари фаолиятини ташкил этиш орқали амалга оширилади.

Юқори бўғиндаги ҳокимлар (вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокими) қуйи ҳокимларнинг қонунга ва юқори идоралар ҳужжатларига зид қарорларини нотўғри деб топиш, қуйи поғонадаги Халқ депутатлари Кенгашларининг ноқонун қарорларини бекор қилиш ҳақида юқори бўғиндаги Кенгашларга тақдимнома киритиш ваколатига эга. Ҳокимларнинг бу ваколатини амалга ошириш учун улар бошқа ҳуқуқий ҳужжатларга мурожаат қилишга ҳожат йўқ. Юқори ҳокимнинг, қуйи ҳокимнинг ноқонуний қарорини бекор қилиш ҳуқуқининг мавжудлиги, ижроия ҳокимият органларининг ташкилий хусусиятидан келиб чиқади. Ижро органлари қуйидан юқоригача қатъий бўйсунуш тамойилида фаолият кўрсатади. Шунинг учун юқори ҳокимлар қуйи ҳокимнинг қонунсиз қарор ва фармойишларини мустақил, ҳеч қандай органнинг тасдиғисиз, розилигисиз бекор қила олади. Юқори ҳоким қарори, фармойиши қуйи ҳокимлар учун мажбурийдир. Ҳокимларнинг вакиллик органларининг қонунсиз қарорлари учун ҳам жавоб бериш масъулиятидан келиб чиқиб, уларни бекор қилишда иштирок этишини таъминловчи ҳолат ҳам қонунда кўзда тутилган. Ҳокимларнинг бу ваколати қуйи Кенгашларнинг қонунсиз қарорларини бекор қилиш ҳақида юқори Кенгашга тақдимнома киритиш орқали амалга

оширилади. Бу маҳаллий миқёсда вакиллик ва ижроия органлари фаолиятида бир-бирини назорат қилишни таъминлайди ва «тийиб» туриш механизми ҳисобланади.

Ҳокимлар раҳбарлар, тегишли халқ депутатлари Кенгашлари томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган ижроия ҳокимияти тизим бўлинмаларининг ишини назорат қилиш ваколатига эга. Бу ваколат ҳокимларга назорат соҳасида кенг ҳуқуқларни беради. Тўғри қарор қабул қилиш масаланинг бир томони. Фақат тўғри қарор қабул қилиш билан муаммолар ҳал қилинмайди. Муаммоларни ҳал қилишда асосий масала бу қабул қилинган қарорларни ўз вақтида ва тўла бажаришдир. Шунга эришиш воситаларидан бири ҳудуддаги турли тармоқ ва юқори идора органларининг фаолиятини мунтазам назорат қилишдир. Ҳокимлар назорат ваколатини амалга оширишда турли усуллардан фойдаланади. Бунда у ҳисобот эшитиши, текширув-тафтиш ҳайъатларини тузиши, ишларни таққослаши, умумлаштириши мумкин. Ҳоким назорат функциясини амалга оширишда ўзининг- аппарати бўлинмалари, таркибидаги давлат нозирлиги, доимий комиссиялар, депутатлар фаолиятига таяниб, прокуратура, суд органлари маълумотларидан ҳам фойдаланиши мумкин, шунингдек, аҳолидан тушган таклиф, шикоят ва аризалардан ҳам назорат ваколатини амалга оширишда фойдаланади.

Ҳокимлар халқ депутатлари Кенгашлари ва ҳоким чиқарган ҳужжатларни бажармаганлик учун мансабдор шахсларни интизом нуқтаи назаридан жавобгарликка тортиши тўғрисида белгиланган тартибда тақдимнома киритиш ваколатига эга. Аввал айтилган, ҳокимларнинг назоратини самарали амалга оширишини таъмиловчи восита ваколатдир. Агар назорат бўлса-ю, унинг натижасида аниқланган камчиликлар, уларга йўл қўйган шахсларга тегишли чоралар кўрилмаса, унда назорат самарасиз бўлиб қолади. Қонуний ҳужжатларда юқори ташкилотлар кўрсатма ва қарорларини бажармаганликлари учун чоралар кўриш берилган. Бундай шахслар ҳоким томонидан лавозимидан озод қилиниши мумкин ёки уларга

маъмурий чора кўриш ҳақида тегишли ташкилотга тақдимнома киритилади. Ҳоким тақдимномаси албатта, кўриб чиқилиб, у қонуний бўлса, кондирилиши шарт ва бу ҳақда ҳокимга хабар қилиниши тегишли ташкилотнинг мажбуриятидир.

Ҳуқуқшунос олим Ш.Асадовнинг таъкидлашича, давлат сирлари ва бошқа тақиқланган ахборотлардан ташқари давлат ҳокимияти органлари ва уларнинг мансабдор шахсларининг фаолиятига оид ахборотлар очиклигини таъминламаслик, улардан фойдаланишни чеклайдиган ва монелик қиладиган хатти – ҳаракатлари учун юридик жавобгарликни белгилаб қўйиш мантиқан тўғри бўлади. Шунинг учун, Ўзбекистон Республикаси “Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”ги кодексга қўшимчалар киритиш мақсадга мувофиқ бўлади¹.

Ҳокимлар давлат мукофотлари билан тақдирлашга доир илтимосларни кўриб чиқиш ва таклифлар киритиш ваколатига эга. Давлат мукофотига ҳар қандай шахс ўзи ишлаб турган ташкилотдан тегишли хизматлари, тараққиётга қўшган ҳиссасига қараб тақдим қилинади. Шу тақдимнома ваколатли давлат органига боргунга қадар, албатта, ҳоким томонидан кўриб чиқилиши керак. Ҳоким тақдимномани кўриб чиқиб, уни асосли деб топса, шу масалани ҳал қилиш ҳақида тегишли давлат органига ўз таклифини беради. Тақдимномани асоссиз деб топса, уни рад этади. Ўзбекистон Республикаси ордени ва медалларига тақдимномалар ҳам ҳоким томонидан кўриб чиқилади.

Ҳокимлар республика ва хорижда ўз ҳудудининг расмий вакили сифатида иш кўриш ваколатига эга. Ўзбекистоннинг мустақиллиги, мамлакат миқёсидагина эмас, ҳудудлар миқёсида ҳам хорижий алоқалар қилиш имкониятини яратди. Ҳар бир ҳудуд ўз имкониятидан келиб чиқиб, хорижий мамлакатлар, уларнинг ҳудудлари билан иқтисодий, маданий ҳамкорлик қилиш имкониятига эга. Республиканинг ичида ҳам ҳудудий тузилмалар бир-

¹ Ўзбекистонда маҳаллий ҳокимият очиклигини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш масалалари // Жамият ва бошқарув. 2013, 1-сон, Б.87.

бири билан мустақил алоқа, ҳамкорлик қилиш ҳуқуқига эга. Ана шу алоқаларда ҳокимлар ўз ҳудудининг (вилоят, туман, шаҳар) расмий вакили сифатида иштирок эта олади. Бундан ташқари, вилоят ҳокими Вазирлар Маҳкамасида вилоят номидан вакиллик қилиш ҳуқуқига эга.

Аҳолини қабул қилишни ташкил этиш, фуқароларнинг шикоятлари, аризалари ва таклифларини кўриб чиқиш ҳокимлар ваколатига киради. Ҳокимлар бу масалани ўзида ва ўз таркибий тузилмаларида ташкил қилиш билан чекланмай, аҳолини қабул қилиш, мурожаатларини ўрганишнинг ахволи ҳудуддаги корхона, ташкилот, муассасаларда қай даражада эканлигини ҳам назорат қилади. Фуқароларнинг мурожаатлари шу жойда аҳвол қандай эканлигини кўрсатувчи омилдир. Улар орқали аҳоли эҳтиёжи, турмуш даражаси аниқланади. Ҳокимларнинг бу ваколатидан тўғри фойдаланиши масалаларни жойларнинг ўзида ҳал қилиш имконини беради, акс ҳолда, фуқаролар кўплаб марказий органларга мурожаат қилишга мажбур бўлади. Мурожаатларнинг аксариятидаги талаблар жойларда ҳал қилиниши мумкин бўлган масалалар юзасидан эканлиги, масалага жиддий ёндошиш зарурлигини кўрсатади. Ҳокимлар тушган мурожаатларни ўзи кўриб чиқиши ёки ваколатли органларга ҳал қилиш учун юбориши мумкин. Лекин шунда ҳам мурожаатнинг масъулияти ҳоким зиммасида бўлади. Бу эса мурожаатни ечилишининг назорати заруриятини келтириб чиқаради. Фуқаролар мурожаати ҳоким билан аҳоли ўртасида бевосита алоқани вужудга келтирувчи воситадир.

Ҳуқуқшунос олим Ш.Асадовнинг таъкидлашича, “ Маҳаллий миқёсда давлат ҳокимияти органларининг фаолиятига доир ахборотлардан фойдланиш, уларни ошқора қилиш, улар билан танишиш учун ахборот олиш манбаларининг очиқлигини таъминлаш ҳамда ахборотларни кенг жамоатчиликка тақдим этишнинг ҳуқуқий механизмлари ва процедураси бўйича нормалар мавжуд эмас. Шу муносабат билан, Ўзбекистон Республикасининг “ Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонунга маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятида очиқликни таъминлашга

каратилган қўшимчалар киритиш мақсадга мувофиқ¹.

Ушбу ҳолатларнинг механизмини кўрсатиб бериш мақсадида 2014 йил 5 майда “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Ушбу қонунда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг принциплари, раҳбар ходимларнинг ваколатлари, ахборот фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари, расмий манбалар, сўров каби муҳим қоидалар ўз ифодасини топган².

Ҳокимлар сессиялар ўртасидага даврда маҳаллий Кенгашларга тааллуқли баъзи ишларни ҳам ҳал этиш ваколатига эга, бундай пайтда ҳоким қарори сессияда тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис ва унинг Кенгаши, ҳукумат ўз ҳужжатлари билан ҳокимларга янги вазифалар юклаши, улар асосида янги ваколатлар вужудга келиши ёки ваколатлари кенгайиши мумкин.

Маҳаллий давлат ҳокимият органларининг вазифалари Конституция ва Қонунлар билан белгиланиб қўйилган бўлиб, бу вазифаларни улар мустақил ёки марказий давлат органлари билан биргаликда бажаради. Қонунда, белгиланган вазифалар асосида, ҳудудий органларнинг нафақат марказий органлардан, балки қуйи ва юқори маҳаллий ҳокимият органлари ўртасида ваколатлар аниқ белгиланган. Ваколатларни аниқ белгиланиши маҳаллий органларнинг вазифаларини самарали бажариш имкониятини бериб, буйруқбозлик масъулиятсизликка барҳам беради.

Маҳаллий миқёсда ташкил қилинган вакиллик ва ижроия ҳокимияти органлари ўз вазифаси ҳамда ваколатларидан келиб чиқиб, мустақил ҳаракат қилиш имкониятига эга. Шу билан бирга, уларнинг ваколатлари мазмун ва моҳияти жиҳатидан ўзига хос. Вакиллик ҳокимияти органларининг ваколатлари ташкилий, йўналтирувчи, назорат характерида бўлса, ижроия

¹ Ўзбекистонда маҳаллий ҳокимият очиқлигини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш масалалари // Жамият ва бошқарув. 2013, 1-сон, Б.86.

² Халқ сўзи. 2014 йил 5 май.

ҳокимият органларининг ваколатлари, асосан, ижрога қаратилгандир. Ҳуқуқий давлат тамойилларидан келиб чиқиб, вакиллик ва ижро ҳокимияти органларида бир-бирининг ишини ташкил қилувчи, назорат қилишни назарда тутувчи «тийиб туриш» механизмларини амалга оширувчи ваколатлар ҳам мавжуд.

Маҳаллий ҳокимият органларининг ваколатлари белгиланган қонунлар билан танишиб чиққан эдик. Мазкур қонунларда маҳаллий ҳокимият органларининг ваколатлари ҳоким ва халқ депутатларига тегишли деб ажратилмайди. Ушбу ваколатларни амалга ошириш тартибини назарий ва амалий жиҳатдан ишлаб чиқиш лозим. Чунки мамлакатимизнинг мустақиллик давридаги ривожланиши, шу жараёнда янги ҳолатлар, муаммоларнинг вужудга келиши, бу борадаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни амалга оширишни такомиллаштириш, қонунларга тегишли ўзгартиришлар киритишни тақозо этади.

2.2. Вилоят, туман ва шаҳар ҳокими аппаратининг фаолияти

Ҳокимликлар умумий ваколатли маҳаллий ижро ҳокимияти бўлиб, улар жойларда аҳоли ҳаётининг барча жабҳаларини бошқариб боради. Ўз ваколатини амалга оширишда ҳокимликлар тармоқлашган бошқарув органларининг тизимига таянади. Мазкур органларнинг тизими ўзининг тузилма ва штатларига эга.

Бугунги кунда вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларининг аппаратлари намунавий тузилмалари Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат бошқаруви ҳудудий органлари тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида” 2004 йил 5 январдаги 2-сон Қарори билан белгиланган. Шунингдек, Тошкент шаҳри ва вилояти, Самарқанд, Андижон вилоятлари ҳокимликларининг намунавий структураси ва ходимларининг сони Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари билан алоҳида белгиланган.

Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат бошқаруви ҳудудий органлари тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида” 2004 йил 5 январдаги 2-сон

Қарорига 2004 йил 6 июлда¹, 2006 йил 7 ноябрда² ҳамда 2011 йил 3 январда³ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Охириги киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар билан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд, Сурхандарё, Сирдарё, Тошкент ва Хоразм вилоятларида ҳокимнинг жамоат ташкилотлари ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича ўринбосари лавозими таъсис этилди.

Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари бошқарув аппаратлари намунавий тузилмасига қуйидагича белгиланган: ҳоким, унинг иккита ёрдамчиси – биттаси маънавий-маърифий ишлар бўйича, матбуот котиби, капитал қурилиш, коммуникациялар, коммунал хўжалик ва ободонлаштириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари, қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари⁴, иқтисодиёт ва ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари (иқтисодиёт, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият), жамоат ташкилотлари ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича ўринбосари, ўринбосари - хотин-қизлар қўмитаси раиси, жамоат ташкилотлари ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича ўринбосари, уларнинг котибиятлари ва Умумий бўлим мудир ва ходимлари, шунингдек Ахборот-таҳлил, Ташкилий-назорат, Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолияти, ҳарбий сафарбарлик ва фавқулодда вазиятлар масалалари бўйича гуруҳлари, ишлар бошқармасининг раҳбарлари ва ходимлари, юрист, Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг масъул котиби. Тузилмалар ходимлари бош, етакчи ва 1-тоифали мутахассисларга таснифланади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 июлдаги 317-сон Қарори. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш ва баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 27-сон, 314-модда.

² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 7 ноябрдаги 231-сон Қарори. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш ва баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 45-сон, 446-модда.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 3 январдаги ПҚ-1456-сон Қарори. Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг тузилмасини такомиллаштириш борасидаги қўшимча тадбирлар тўғрисида.

⁴ Аниқ вазиятга (ҳолатга) қараб ҳокимнинг биринчи ўринбосари лавозимига қишлоқ ва сув хўжалиги масалаларига мутасаддилик қилувчи ўринбосар тасдиқланиши мумкин.

Ҳокимнинг ўринбосарлари ўз тасарруфидаги соҳаларда раҳбар кадрларни танлаш, малакасини ошириш, жой-жойига қўйиш бўйича ҳудуд ҳокимлиги ташкилий-назорат гуруҳи билан келишилган ҳолда ҳокимга таклиф киритади. Ҳоким ўринбосарларининг вазифаларига тўхталадиган бўлсак:

Ҳокимнинг капитал қурилиш, коммуникациялар, коммунал хўжалиги ва ободонлаштириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари ҳудуд капитал қурилиш, коммуникациялар, коммунал, хўжалиги ва ободонлаштириш мажмуига раҳбарлик қилади ва ҳоким бўлмаган вақтда унинг вазифасини бажаради, ҳудуд ҳокимлиги аппаратини бошқаради; Ҳокимнинг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари ҳудуд қишлоқ ва сув хўжалиги мажмуига раҳбарларик қилади. Қишлоқ ва сув хўжалиги тизимининг экспорт имкониятларини ошириш, ва чет эл инвестицияларини жалб қилиш масалалари билан фаол шуғулланади;

Ҳокимнинг иқтисодиёт ва ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари ҳудуднинг иқтисодиёт ва ижтимоий ривожлантириш мажмуига раҳбарликни амалга оширади, тизимдаги ташкилотлар, идоралар ва муассасалар фаолиятини мувофиқлаштиради; Ҳокимнинг жамоат ташкилотлари ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича ўринбосари вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш, ижтимоий шерикликни мустаҳкамлаш асосида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, гуманитар муаммоларни ҳал этиш, мамлакат аҳолиси турли қатламларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш дастурларини амалга ошириш бўйича жамоат, жумладан диний ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликни ташкил қилади;

Ҳокимининг ўринбосари – хотин-қизлар қўмитаси раиси хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳудуд хотин-қизлар жамоат ташкилотларининг хотин-қизларнинг социал, ижтимоий-сиёсий ва меҳнат фаоллигини ошириш, уларнинг ҳуқуқий ва иқтисодий билимлари

даражасини ошириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволини янада яхшилаш ва эҳтиёжларини тўлароқ кондириш бўйича пухта ва самарали фаолиятини таъминлайди ва ҳоказо¹.

Қўқон шаҳар ҳокимияти(ҳокимлик бошқарув аппарати) ҳоким, ҳокимнинг иқтисодиёт ва ижтимоий ривожлантириш масалалари (иқтисодиёт, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият) бўйича ўринбосари, ҳокимнинг ўринбосари – хотин-қизлар кўмитаси раиси, ташкилий-назорат гуруҳи, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг маъсул котиби, қурилиш масалалари бўйича бош мутахассис, коммунал хўжалик масалалари бўйича етакчи мутахассис, коммуникациялар ва ободонлаштириш бўйича етакчи мутахассис, ишлар бошқармаси, умумий бўлим,бош, етакчи мутахассислар, референтлар, иш бошқарувчи каби 18 кишидан иборат раҳбар, ходим ва хизматчилардан иборатдир².

Ҳокимликлар аппарати ходимлари ва хизматчилари ўзларининг бевосита раҳбарлари-ҳоким ўринбосарлари ва ҳоким олдида масъулдирлар. Ҳокимликлар структура бўлинмаларининг раҳбарларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш масалалари «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонуннинг 23-моддасида белгиланган бўлиб, лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилишнинг ўзга тартиби белгиланмаган бўлса, ижроия ҳокимияти структура бўлинмаларининг раҳбарлари давлат бошқарувининг юқори органлари билан келишилган ҳолда тегишли ҳокимнинг тақдимига биноан - халқ депутатлари Кенгаши томонидан, сессиялар оралиғидаги даврда эса - ҳоким томонидан лавозимга тайинланадилар ва лавозимдан озод этиладилар. Мазкур қарор халқ депутатлари Кенгашининг тасдиғига киритилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонуннинг 22-моддасига кўра, маҳаллий ижроия ҳокимияти

¹ Ш.Асадов. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўқув қўлланма.ТДЮИ, 2012. – 149 - 151бетлар.

² Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 январдаги 2-сонли қарорига 4-илова. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларитўплами, 2004 йил,1-2 (85-86)-сон, 15-б.

органлари (ҳокимликлар) бошқармалар, бўлимлар ва бошқа бўлинмалардан ташкил этиш тартиби ва фаолияти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган тегишли низомлар билан белгиланади.

Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ижроия ҳокимияти органларининг структураси ва штатлари ҳоким томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда тегишли халқ депутатлари Кенгаши тасдиқланган бюджет доирасида белгиланади ва ўзгартирилади.

Туман, шаҳар ижроия ҳокимияти органларининг структураси ва штатлари ҳоким томонидан юқори турувчи ҳоким билан келишилган ҳолда тегишли халқ депутатлари Кенгаши тасдиқлаган бюджет доирасида белгиланади ва ўзгартирилади.

Вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги аппаратининг намунавий структураси ва штатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан, туман ва шаҳар ҳокимлиги аппаратининг намунавий структураси ва штатлари эса юқори турувчи ҳоким томонидан белгилаб қўйилади. Қорақалпоғистон Республикасида туман ва шаҳар ҳокимлиги аппаратининг намунавий структураси ва штатлари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши томонидан белгилаб қўйилиши Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисидаги Қонуннинг 22-моддасида мустаҳкамланган¹.

Мазкур Қоидага асосан Вазирлар Маҳкамаси ҳокимликлар аппаратларини ташкил этиш ва фаолият юритиш низомларини тасдиқлаб, бу аппаратлар ишини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 январдаги «Давлат бошқаруви ҳудудий органлари тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида»ги 2-сонли Қарорини қабул қилди¹.

«Давлат бошқарувини самарали амалга ошириш учун ахборот-таҳлил

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, 9-сон, 321- модда.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 январдаги 2-сонли қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларитўплами, 2004 йил, 1-2 (85-86)-сон, 15-б.

гуруҳларини ташкил этиш катта аҳамиятга эга²». Маълум масала бўйича объектив ва тўғри қарорларни қабул қилиш мазкур масала юзасидан аниқ ахборотни мавжудлигига, уни таҳлил қилинганлигига боғлиқ. Францияда мазкур идора Молия вазирлиги идорасида ташкил этилган бўлиб, давлат бошқарувини такомиллашуви йўлидаги қадам деб эътироф этилган эди.

Ҳокимликларда котибиятлар ташкил этилиб, улар сессияларга, доимий комиссия мажлисларига тайёргарлик, қарор лойиҳаларини тайёрлашни уюштириш, уларнинг экспертизасини ташкил қилиш, халқ депутатларига, қарорлар ижросини назорат қилишни ташкил этиш ишлари билан шуғулланади.

«Котибият ҳоким маҳкамаси фаолиятини, депутатларни ижтимоий, моддий-техник ва ахборот воситалари билан таъминлашни амалга оширади»³.

Ҳокимлик аппаратинг муҳим органи бўлган котибиятлар ҳудудларда ўтказилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларни чуқрлаштириш юзасидан ишлаб чиқилган дастурларнинг амалда бажарилишини таъминлаш; ҳокимият муҳокамасига киритилаётган ҳужжатлар лойиҳаларининг ҳоким ва унинг ўринбосарлари кўриб чиқиши учун мутахассислар томонидан ишлаб чиқирилишини ташкил қилиш; ҳоким ва унинг ўринбосарлари топшириқларига биноан ҳокимликнинг қарор лойиҳалари ва бошқа тегишли ҳужжатларини тайёрлаш; юқори ташкилотлар ҳамда ҳокимият қарор ва фармойишларининг маҳаллий бошқарув органлари ва идоралари томонидан ўз вақтида бажарилишини таъминлаш; котибият ваколатига тааллуқли масалалар бўйича таҳлилий ҳужжатларни тайёрлаш ва ҳокимликка тушган ахборот, таклиф ва мулоҳазаларни умумлаштириш каби вазифалари белгиланди.

Ислохотлар жараёнида вужудга келаётган янги муносабатларда маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятини самарали ташкил этиш учун

² Қаранг: Ролан Драго. Административная наука.1980, перевод на русский язык с сокращениями, послесловие, издательство «Прогресс», 1982.стр 84.

³ Қаранг: Хусанов О.Т. Ўзбекистон Республикаси давлат органлари: Ўқув қўлланма.-Т.:Шарқ,1996,-66б.

унинг аппаратини тезкорлик билан ҳаракат қилиш, янгиликларга тезлик билан эътибор бериш, бозор иқтисодиёти принципларига биноан иқтисодий ривожланиш ва хусусий ҳамда давлатдан ажратилган мулк шаклларига камроқ аралашishi лозимлигидан келиб чиқиб, уни ихчамлаштириш сиёсати амалга оширилиб келинмоқда. Масалан, Тошкент вилоятида шаҳар ва туман ҳокимликлари аппарати ходимларининг сони сўнгги чеклашдан кейин 30 фоизга қисқарган.

Барча даражалардаги ҳокимликлар аппаратлари фаолиятини такомиллаштиришда Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 3 августидаги «Вилоятлар,шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари ташкилий-кадрлар хизмати мақомини ўзгартириш тўғрисида»ги 303-сонли қарори муҳим аҳамиятга эга¹. Барча даражалардаги ҳокимликларнинг ташкилий ишлар ва кадрлар масалалари гуруҳлари фаолиятини янада такомиллаштириш, маҳаллий ижро ҳокимияти органларида кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва янгилаш ишларини тубдан яхшилаш мақсадларида қабул қилинган мазкур қарорда шаҳар ва туманлар ҳокимларининг эътиборлари ташкилий ишлар ва кадрлар масалалари гуруҳи фаолиятини ташкил этиш масалалари бўшаштириб юборилганлиги, уларни бу соҳада давлат сиёсати тамойилларини жорий этишга қодир бўлган ва лаёқатли мутахассислар билан тўлдиришга қаратилган бу қарорга мувофиқ вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликларнинг ташкилий ишлар ва кадрлар масалалари гуруҳлари раҳбарлари мақомига кўра тегишли ҳоким ўринбосарларига тенглаштирилди.

Юқоридаги қайд этилган ўзгаришлар билан бир қаторда, ҳокимликлар ҳузуридаги комиссиялари фаолиятини такомиллаштириш катта аҳамиятга эга. Маҳаллий ҳокимият органларига юклатилган вазифаларни амалга ошириш юзасидан комиссиялар тузишнинг ижобий томонлари мавжуд бўлиб, маълум соҳага тегишли идоралар раҳбарларидан тузилади. Комиссия

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий архиви. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 3 августдаги «Вилоятлар,шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари ташкилий-кадрлар хизмати мақомини ўзгартириш тўғрисида»ги 303-сонли қарори.

маълум соҳада мавжуд масалаларни амалга оширишда соҳага тегишли идораларнинг бошқарув фаолиятини мувофиқлаштиради, амалга оширилиши керак бўлган тadbирлар режасини ишлаб чиқади.

Ҳокимликлар аппаратларининг маҳаллий ҳокимият органлари ваколатларини амалга оширишдаги аҳамияти катта бўлиб, уларни фаолиятини ривожланган давлатлар тажрибалари асосида такомиллаштириб бориш зарур. Халқ депутатлари Кенгашлари фаолиятини ташкилий-техник таъминлаш - бизда ҳокимлик аппарати функцияларининг ўзига хос хусусиятларидан бири бўлиб, унинг фаолиятини такомиллаштириб боришни тақозо этади.

Бу муаммога илмий нуқтаи назардан қараганда мазкур жараённинг номукамал қирралари мавжудлиги кўринади. Ҳокимликларни тузилма ва штатларини шаклланиши, уларни ҳал қиладиган вазифаларнинг ечимини топиш эҳтиёжидан келиб чиқиши керак. Бу вазифани самарали ечимини топиш йўлида бир қанча муаммолар мавжудки, уларни ечмасдан туриб ҳокимликлар фаолиятининг самарадорлигага эришиб бўлмайди. Бу муаммоларга қуйидагилар киради: биринчидан, ижро ҳокимиятининг у ёки бу органга эҳтиёжлилигини максимал тўғри аниқлаш; ҳокимлик органининг ташкил этишга эҳтаёжини молиялаштириш имконияти мавжудлиги; ижро ҳокимияти органларининг кенгайиб кетиши ҳолатлари мавжудлиги.

«Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонуннинг 22-моддасида ҳокимликларни тузилма ва штатларини ўрнатиш ҳуқуқи ҳокимларга берилган. Лекин бу ваколатини амалга ошириш учун вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими Вазирлар Маҳкамаси билан туман ва шаҳар ҳокими эса юқори турган ҳоким билан келишган ҳолда ва тегишли халқ депутатлари Кенгаши белгилаб қўйган бюджет доирасида амалга ошириши мумкин.

Бундан келиб чиқадики, агарда ҳоким келиша олмаса, унда юқори турувчи органнинг иродаси бўйича масала ҳал бўлади. Амалиётда худди шундай бўлиб келмоқда, яъни масала фақат тепадан ҳал қилинмоқда. Натижада ҳокимнинг ваколати тузилма ва штатларни «ўрнатиш» эмас, балки

«таклиф этиш» мақомига айланиб қолмоқда. Ундан ташқари мазкур моддани аҳамиятини маъносизлиги шундаки, Олий ҳокимият органлари маҳаллий ҳокимият органларини ишларига аралашиш ваколатига эга бўлиб, уларнинг тузилма ва штатларини маъмурий-буйруқ усулида ўзгартиришга қаратилган қарорларни қабул қилишади.

Қонун туман ва шаҳар ҳокимликлари тузилма ва штатларини белгилаш ҳуқуқини вилоят ҳокимларига берсада, лекин уларни ҳам Вазирлар Маҳкамаси ҳал қилиб келмоқда. Масалан Вазирлар Маҳкамаси томонидан «Худудий давлат бошқаруви органларининг тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида» ги қарор¹ 2004 йил 5 январда 2-сон билан қабул қилинган. Унда Вазирлар Маҳкамаси барча вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликларини тузилма ва штатларини белгалаб ва чегаралаб берган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, агарда ҳоким ўз ҳокимлиги тузилма ва штатларини келишилган тартибда ўрнатиш ҳуқуқини амалга оширолганда ҳам, лекин бари бир Президент ва Вазирлар Маҳкамаси ҳокимликларга нисбатан чексиз ваколатга эга. Буни исботи шундаки, улар ҳокимликларни тузилма ва штатларини хоҳлаган маҳал ва хоҳлаган тартибда ўзгартиришлари мумкин ва амалиётда шундай бўлиб келмоқда.

Ҳукуматни ҳокимликлар ваколатига ноқонуний аралашуви уларни штатларини белгилашда ҳам кузатилмоқда. Қонунда штатлар сони фақат маҳаллий Кенгашлар тасдиқлаган бюджет доираси билан чекланиши мумкин. Лекин шунга карамай Ҳукумат томонидан штатларни қисқартириш тўғрисида кетма-кет қарорлар қабул қилиниб келинмоқда. Ундан ташқари ҳокимликларни қанчага қисқартириш, уларни ҳар бирини сони аниқ белгалаб қўйилади.

Бошқарувни бундай усули самарали бўлмайди. Буни исботи шундаки, бошқарув доимо жойлардаги ҳаётини ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда изчиллик билан такомиллашиб бориши лозим. Ҳар бир ҳудудни эса ўзига хос

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 январдаги 2-сонли қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларитўплами, 2004 йил, 1-2 (85-86)-сон, 15-б.

бошқарувчиликка эҳтиёжи бор. Уларни ҳукумат ҳудудларни эҳтиёжидан келпб чиққан ҳолда ҳам тузилма, ҳам штатлар сонини талабга мос ҳолда ташкил қилиб беролмайди. Масалан ҳокимликларни штатларга бўлган аниқ талабидан чиқмасдан туриб қисқартириш Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодиётни бошқариш тузилмасини такомиллаштириш бўйича Республика комиссиясини тузиш тўғрисида» ги 2003 йил 25 апрел Р-1751 сонли қароридан кўринади. Унда бюрократик аппаратни миқдори ўрта ҳисобда 30 фоизга қисқартирилсин дейилган.

Бошқарувчилик жараёнининг самараси кадрларни қисқартириш билан эмас, уларни оптимал сонини аниқлаш билан боғлиқ. Шунинг учун масала шуни таъминлашга қаратилган механизмни жорий этишдан иборат бўлиши лозим. Агар ҳукумат ўз чексиз ваколати билан маъмурий-буйруқбозлик усулида кадрларни қисқартирса, унда ҳокимликлар керакли бўлган кадрлардан ҳам ажралиб қоладилар.

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 январдаги 2-сонли қарорига асосан штатлар сони ўртача 30 фоизга қисқартирилди, лекин туманларга яна битта бухгалтер штати кўшимча берилди. Аммо бундаги маъно шундаки, Ҳукуматни иродаси билан бир неча йилдан бери туманлар ноқулайлик шароитида ишлаб келди. Масаланинг ечими шундаки, Ҳукумат билан ҳокимликларни муносабатини бошқарувчиликни функционал тизимидан дастуравий тизимга ўтказиш мақсадга мувофиқ..

Бошқарувнинг дастуравий тизими – бу ҳокимликлар ўз ҳудудини ривожлантириш борасида дастур ва режа ишлаб чиқиб уни кўрсаткичлари бўйича Ҳукумат билан келишиб Ҳукумат олдида бажаришни ўз зиммасига олиш демакдир. Дастурда режалаштириш бюджетни параметрлари, ижтимоий-иқтисодиётнинг ҳар бир соҳаларини кўрсаткичлари аниқ белгилаб кўйилади. Ҳукумат зса ҳокимни ва маҳаллий Кенгашни ўз маъсулиятларига уларни ўзига тузилма ва штатларни ташкил этиш ҳуқуқини топширади. Ҳукумат ҳокимларни ўз дастурларини бажариб бораётганлигини кузатиб, назорат қилиб боради. Таклиф этилган механизм, ҳокимлар маҳаллий ижро

ҳокимияти тузилма ва штатларини ўрнатишда ва умуман бошқарувчилик функциясини бажаришда ижодкорлик усули вужудга келади. Бу эса ўз навбатида ҳокимларнинг ўз ишига ижодий ёндашишига, ташаббус кўрсатиб ишлашига олиб келади.

Агар Конституцияга мурожаат қилсак, маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятига тегишли масалаларни ечишда олий ҳокимият органлари учун ҳеч қандай чекловлар мавжуд эмаслига кўринади, бу эса ҳокимликларнинг тузилма ва штатларини ўриатишда бевосита таъсир этади. Ҳокимликларнинг тузилма ва штатларини самарали ривожланиши вазифасини тўғри ечиш учун бу масалани Конституциянинг талабларидан келиб чиқиб ҳал этиш керак. Бу дегани, Конституцияни ўзида олий ва маҳаллий органларининг бир-бирини ваколатига аралашув чегараси аниқ белгиланиши керак. Маҳаллий органлар ўз вазифаларини мустақил доирада ечиш имкониятига эга бўлиши керак, бунинг учун эса уларни ваколатларини қаерда бошланиши ва қаерда тугашини аниқ белгилаб қўйиш лозим.

Маҳаллий ижро ҳокимият органларининг тузилмасини такомиллаштиришда энг самарали усул, ҳокимликлар қандай бошқарув тузилмага муҳтожлигини аниқлашда ижодий ёндашувни таъминлашдир¹.

2.3. Маҳаллий ижро ҳокимияти фаолиятини такомиллаштириш масалалари

Миллий Мустақиллик туфайли Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти тизимида давлатимиз томонидан олиб борилган ислохотлар натижасида маҳаллий давлат ҳокимиятининг бутунлай янги тизими шаклланди. Давлат ҳокимияти тизимини эркинлаштириш сиёсатини амалга оширишга доир ислохотлар жараёнлари бошланди. Мана шундай долзарб даврда илғор ва етук давлатларнинг маҳаллий давлат ҳокимияти тизимини ўрганиш, уларни давлатимизда шу соҳадаги ислохотлар билан қиёслаш, уларни миллий хусусиятларимиз нуқтаи назаридан тадқиқ этиш ва талқин

¹ Қаранг:Рўзметов Хайрулла. “Ҳокимликлар тузилма ва штатлари такомиллаштирилишининг хусусиятлари”. “Давлат ва ҳуқуқ” 2004 йил 4-сон.

килиш маҳаллий бошқарувни такомиллаштиришнинг муҳим вазифасидир.

Президент Ислом Каримов мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар ва истиқболларнинг муҳим йўналишларини кўрсатиб бериб, уларни қуйидагича ифодалайди:»Бизнинг бош стратегик мақсадимиз қатъий ва ўзгармас бўлиб, бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик давлат барпо этиш, фуқаролик жамиятининг мустаҳкам пойдеворини шакллантиришдан иборат¹». Кўриниб турибдики, фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат барпо этган мамлакатларнинг тажрибасини ўрганиш, улардаги маҳаллий давлат органлари тушунчасини англаш, уларнинг фаолият кўрсатиш принципларини тадқиқ этиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Тез ўзгариб бораётган дунёда ҳаёт воқелиги турмушнинг барча соҳаларини ислоҳ қилишни тақозо этмоқда. Республикамизда амалга оширилаётган маъмурий ислохотлар ҳам бундан мустасно эмас. Тарихий тажриба маъмурий ислохотларнинг моҳияти барча замонда ва улар амалга оширилаётган ҳар қандай жойда фақатгина давлат бошқаруви органлари ходимларини қисқартиришдангина иборат бўлиб қолмай, балки, аввало, ортиқча бошқарув бўғинларини қисқартиришдан, бошқарув тизимида маъмуриятчилик вазифаларини чеклашдан, бир-бирини такрорлайдиган тузилмаларни тугатиш ва қайта ташкил этишдан, давлат бошқаруви органларининг фаолияти самарадорлигини ва масъулиятини оширишдан иборат эканлигидан далолат беради.

Бундай шароитда давлатнинг олдида масъулиятли вазифа турар эди. Унинг моҳияти ҳудудий даражада янги бошқарув тузилмасини шакллантиришдан иборат эди. Ҳокимлар институтининг ташкил этилиши унинг ўзак бўғинига айланди.

Бир қанча асос бўлувчи меъёрий ҳужжатлар, шу жумладан, Ўзбекистон Рес-публикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонуни

¹ Қаранг: Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 2-чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1-сессиясидаги маъруза. 2000 йил 22 январь. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-жилд. Тошкент, “Ўзбекистон” 2000.-336б.

қабул қилинди. Ушбу қонун ҳудудий даражада давлат ҳокимиятини шакллантиришнинг, жойларда ижро ҳокимиятининг негизларини мустаҳкамлашнинг асосига айланди.

Ҳудудий ҳокимият органларига ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш вазифаларини амалга ошириш, жойларда Олий Мажлис қонунларини, бошқа қарорларини, Президент ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган ҳужжатларни, юқори турувчи халқ депутатлари Кенгашлари ва ҳокимларнинг қарорларини бажариш, Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги алоқани йўлга қўйиш, вилоят, туман ва шаҳарни бошқаришга аҳолини жалб этиш юкланди.

Ўтган давр мобайнида ҳудудий бошқарув органлари тузилмасини такомил-лаштириш давлатимизнинг диққат-марказида бўлиб келди. Бошқарув ходимлари миқдорини мақбуллаштириш, давлатнинг ортиқча назорат функцияларини қисқартириш бўйича қадамлар қўйилди. Ҳудудий бошқарув органлари тузилмасини янада та-комиллаштириш мақсадида бошқарувнинг тармоқ тизимидан функционал тизимига ўтиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Ушбу чора-тадбирлар муайян босқичда бозор механизмларини, минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш вазифаларини ҳал этишда иқтисодий дастаклар ва рағбатни кучайтириш, маҳаллий ҳокимият органлари фаолияти самарадорлигини ошириш имконини берди.

Ҳудудий бошқарув органлари фаолиятини комплекс таҳлил этишда давлат бош-қарувида ҳамон эски маъмурий-буйруқбозлик тизими қолиплари сақланиб қоли-наётганлиги эътироф этилди. Энг аввало, бу ҳокимият ваколатларини амалга ошириш истагида - ҳеч кимга наф келтирмайдиган ва кераксиз турли-туман буйруқлар, йўриқномалар, кўрсатномалар, меъёрий ҳужжатлар чиқаришда кузатилди. Ҳанузгача корхоналарнинг хўжалик фаолиятига бевосита аралашувдан, кадрлар масаласини ҳал этишгача уни тўғридан-тўғри бошқаришдан воз кечилгани йўқ.

Давлатимиз раҳбари томонидан ишларнинг аҳволига ҳақиқий баҳо берилди: "...ҳозирги кунда барча даражадаги мавжуд давлат, тармоқ ва ҳудудий бошқарув тизими олиб борилаётган иқтисодий ва демократик ислохотлар йўлида катта тўсиқ бўлиб турибди"¹. Маъмурий ислохотларни изчил давом эттириш зарурлиги Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 18 июлдаги мажлисидаги чиқишида ифодаб берилган.

Шу муносабат билан Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 январдаги 2-қарори² қабул қилиниши ҳудудий бошқарув органларини ислоҳ қилишнинг муҳим босқичи ҳисобланди. Ушбу қарор мамлакатимизда амалга оширилаётган маъмурий ислохотларнинг узвий қисмидир. Унинг асосий вазифаси ортқча бошқарув бўғинларини қисқартириш ва бошқарув тизимида маъмуриятчилик функцияларини чеклашдан иборат. У вилоят, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари фаолияти самарадорлигини оширишга ва тузилмасини такомиллаштиришга, уларга юкланган функциялар амалга оширилиши учун зарур шарт-шароитларни таъмин лашга, ҳудудий бошқарув органлари ходимлари сонини мақбуллаштиришга қаратилган.

Янги тузилмага мувофиқ вилоят ҳамда туманларда иқтисодий ва ижтимоий ри-вожлантириш масалалари бирлаштирилди ва у бир ўринбосарга юкланди. Илгари мазкур масалалар билан вилоят ва туман ҳокимининг тенг мақомли икки ўринбосари. шуғулланар эди. Айни пайтда туманларда қишлоқ.ва сув хўжалиги масалаларини ҳал этиш бевосита туман ҳокимига юклатилди, илгари ушбу масалаларни ҳал этиш учун туман ҳокимининг биринчи ўринбосари лавозими мавжуд эди. Шунингдек, бугунги кунда вилоят, туман ҳокимининг биринчи ўринбосарига капитал қурилиш, коммуникациялар, коммунал хўжалик ва ободонлаштириш масалалари юкланган. Уша қароргача ушбу масалаларга-икки ўринбосар мутасаддилик

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 18 июлдаги мажлисидаги нутқи.

² Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 январдаги 2-сонли қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларитўплами, 2004 йил, 1-2 (85-86)-сон, 15-б

қилар эди.

Мазкур қарорда белгиланган қоидалардан келиб чиқиб, умуман республика бўйича вилоятлар, туманлар, шаҳарлар ҳокимликларида ва маҳаллий бўйсунитдаги корхоналарда 5991 нафар бошқарув аппарати ўрни қисқартирилди. Вилоят ҳокимликларида 53 нафар бошқарув ходими, туман ва шаҳар ҳокимликларида — 447 ва маҳаллий бўйсунитдаги корхоналарда 5508 ўрин қисқартирилди¹.

Бундан ташқари, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари аппарати хо-димлари сонини мақбуллаштириш мақсадида вилоят ва қишлоқ туманларида ҳоким ўринбосарлари лавозими ярмига, шаҳарлар ва шаҳар туманларида ҳокимнинг учтадан ўринбосари қисқартирилди. Вилоят ҳокимликларида ҳокимнинг ишдан озод этилган биринчи ўринбосари, ҳокимнинг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари лавозими қисқартирилди. Қишлоқ туман ҳокимликларида қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича биринчи ўринбосар, ижтимоий масалалар, саноат, савдо ва маиший турмуш бўйича ўринбосарлар лавозими қисқартирилди.

Раҳбар лавозимлар тартибга солинди ва тугатилди, уларга вилоят, шаҳар, туман ҳокими ўринбосари мақоми жорий этилди. Вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг қисқартирилган ўринбосарлари вазибалари бошқа ўринбосарларга юкланди.Кўрсатиб ўтилган чоратадбирлар ҳокимларнинг тегишли ваколатларга эга ўринбосарларида асосий вазибаларни жамлаш ва айнаи вақтда вилоят, шаҳар ва туман даражасида ҳоким ўринбосарларини анча қисқартиришни таъминлаш имконини берди.

Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларини маъмурий ислоҳ қилиш фаолиятда: давлатнинг ижтимоий сиёсатини амалда рўёбга чиқаришда, шу жумладан, таълим, соғлиқни сақлаш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва иш билан таъминлаш соҳасида; уй-жой ва коммунал хўжалиги ишончли ва самарали ишлашини таъминлашга ва идоравий аҳоли пунктларини

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 январдаги 2-сонли қарори.

ободонлаштиришга, инфратузилмани ривожлантиришга; кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, иш ўринлари кўпайиши ва аҳоли даромадларининг барқарор манбалари шакллантирилиши учун қулай шарт-шароит яратишга; фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамияти тузилмалари самарали фаолият кўрсатиши ва ривожланишига кўмаклашишга устуворлик касб этиш имконини берди.

Худудий ҳокимият органларини маъмурий ислоҳ қилиш қайси йўналишда амалга оширилмоқда? Булардан биз қандай реал натижалар кутмоқдамиз?

1. Бугуннинг ўзидаёқ иқтисодиётни бошқаришда давлатнинг ўрни кескин камайганлиги сезиларлидир, жойлардаги давлат бошқаруви тузилмалари қисқартирилди, давлат бошқарув органларини таъминлаш харажатлари қисқарди. Ваколатлар тобора кўпроқ давлатдан жамоат ташкилотларига, ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотларга, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтмоқда. Берилган вазифалар фақат номинал бўлиб қолмай, балки таъсирчан механизм ва амалга оширишнинг аниқ манбалари билан мустаҳкамланган реал функциялардир.

Ижро этувчи ҳокимият давлат органларида сақланиб қолган вазифалар бўйича давлат органлари ва хизматчиларнинг мажбуриятларини белгилаб берувчи ижронинг аниқ тартиб-қоидалари ишлаб чиқилган. Уларни баҳолаш ва назорат қилиш мумкин.

2. Ислохотлар амалга оширилиши, жойлардаги мавжуд ишлар аҳволи, иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, иш билан таъминлаш ва одамларнинг фаровонлигини ошириш учун барча даражадаги ҳокимликларнинг масъулияти оширилди. Ушбу йўналишда бугуннинг ўзидаёқ муайян қадамлар қўйилди - айрим вазифалар ҳудудларга берилди, ортиқча вертикал маъмурий тузилмалар тугатилди.

Туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг ҳуқуқий мақоми ва унинг ваколатларининг конституциявий асослари ҳам Ўзбекистон Республикаси

Конституциясининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти асослари» бобида мужассамлашган. Конституция ва кўпчилик қонунларда туман ва шаҳар ҳокимларининг ҳуқуқий мақомлари ва ваколатлари вилоятлар ҳокимлари билан бир хилда берилган бўлса ҳам, бу икки хил даражадаги ҳокимлар турлича ҳудудларда, ҳуқуқий иерархиянинг турлича поғоналарида, турлича ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий бирликлар доирасида бошқарув фаолиятларини олиб борадилар.

Туман ва шаҳар ҳокимлари ўз ҳудудларидаги давлат корхоналари, муассасалари, хўжаликлар, меҳнат жамоалари, маҳалла, овул, қишлоқ посёлка, шаҳарча фуқаролар йиғинлари билан тўғридан-тўғри бошқарув ва бошқа масалаларга доир муносабатларга киришадилар. Туман ва шаҳар ҳокимларининг иқтисодиёт, ишлаб чиқариш ва хўжаликларни юритиш соҳасидаги ваколатлари Конституциянинг 104-моддасида мустаҳкамлангандир: “Ҳоким ўзига берилган ваколатлар доирасида тегишли ҳудуддаги барча корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалар, шунингдек, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар қабул қилади”¹. Шу билан бирга ҳокимлар хусусий ва шахсий секторга тегишли мулк ва давлатдан ажратилган нодавлат ва ноҳукумат, жамоат ташкилотларига доир қарорлар чиқарганида, уларнинг давлат органларидан мустақиллиги, бу мустақиллик Конституция ва қонунлар билан ҳимояланганлигини эътиборга олиши шартдир.

Туман ва шаҳарлар ҳокимларининг ҳуқуқий мақоми ва ваколатларини ҳуқуқий меъёрлари Олий Кенгаш томонидан 1993 йил 2 сентябрда қабул қилган «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонунда аниқ ва равшан тарзда белгилаб қўйилган. Унинг 1-моддаси қуйидагичадир: “... туман, шаҳар ҳокими ...туман ва шаҳарнинг олий мансабдор шахси бўлиб, айти бир вақтда ҳудуддаги вакиллик ва ижроия ҳокимиятини бошқаради. Туман, шаҳар ҳокими юқори турувчи ҳоким ва тегишли тегишли халқ депутатлари

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.:” Ўзбекистон”,2012. -40 б.

Кенгаши олдида ҳисобдордир. Халқ депутатлари Кенгаши ва ҳоким вилоят, туман ва шаҳар учун умумий бўлган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш вазибалари амалга оширилишини, жойларда қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг бошқа қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган ҳужжатлар, юқори турувчи халқ депутатлари Кенгашлари ва ҳокимлар қарорларининг ижросини Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги алоқаларни, аҳолини вилоят, туман ва шаҳарни бошқаришга жалб этишни таъминлайди”¹.

Шунингдек, ҳокимнинг ваколатларига яна Конституция, қонунлар, ҳуқуқий -мееърий ҳужжатлар, Президент ва ҳукуматнинг турли қарорлари, фармонлари, фармойишларини бажарилишини ташкил этиш, уларни қуйи органлар томонидан бажарилишини назорат қилиш, уларнинг ижросини амалга ошириш кабилар ҳам киради.

Туман ва шаҳар ҳокимларининг кўпчилик ваколатлари ишнинг олдинги қисмида кўрсатиб ўтилганидек, вилоятлар ҳокимларининг ваколатлари билан бир хилда белгиланган. Лекин, бу ваколатлар турли даражалардаги ҳокимликликларда ўзларининг тегишли ҳудудлари билан бир-бирларидан фарқланадилар: ҳокимлар мамлакатимизда амал қилинаётган барча қонунлар, бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар, Президент ва ҳукуматнинг қарорлари, фармонлари, фармойишлари, халқ депутатлари Кенгаши қарорларининг ижросини ташкил этиш, уларни вилоят ҳудудида ҳаётга жорий қилиш ваколатлари билан таъминланганлар. Бундай фаолиятда туман ва шаҳар ҳокимлари аввало Президент ва ҳукумат, шунингдек вилоят ҳокими ва вакиллик органининг ҳудуддаги вакили, шу билан бирга у туман ва шаҳар ҳудудидаги барча даражадаги давлат бошқаруви, ўзини ўзи бошқарув органларининг доимий ва барқарор фаолият кўрсатишига ҳам масъул, ҳам

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, 9-сон, 321- модда

жавобгардир.

Вилоят ҳокимларига берилган ваколотлар каби туман ва шаҳар ҳокимлари ҳам фуқароларнинг жамоат тартиби қоидаларига риоя этилишига, ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларининг жиноятчиликка қарши курашига бошчилик қилади ва уни мувофиқлаштиради, ҳудуддаги аҳолининг соғлигини сақлаш, табиий офатлар, эпидемиялар ва бошқа ҳодисалар оқибатларини бартараф этиш чора-тадбирларини кўради, таълим ва маданиятнинг ривожланишига доир фаолият кўрсатади, фуқароларнинг ижтимоий, иқисодий ва сиёсий ҳуқуқларини ҳимоя қилинишига масъулдирлар ва бу фаолият учун шахсан жавобгардирлар.

Тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатдики, барча ҳуқуқий ҳужжатлар, қонунларда вилоят, туман, шаҳар ҳокимлари ваколатлари ва функциялари умумий тарзда ва қонуннинг битта моддаларида берилган. Лекин, ҳаётда ҳокимиятни амалга оширишда уларнинг ўринлари турличадир. Масалан, туман ва шаҳар ҳокимлари ишлаб чиқаришга, корхона ва ташкилотларга, ўзини ўзи бошқариш органлари билан бевосита ҳуқуқий муносабатлар ўрнатади. Вилоят ҳокимлари эса улар билан туман ва шаҳар ҳокимликлари воситасида муносабат ўрнатади. Шундан келиб чиқиб, жаҳон тажрибасида бўлганидек, ҳар учала даражадаги ҳокимлар ваколатлари ва функциялари қонунларда алоҳида-алоҳида кўрсатилиши лозимлигини яна бир бора таъкидлаб ўтамыз.

Барча бўғиндаги маҳаллий ҳокимият органларининг вазифалари «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонунда белгиланган ваколатлар орқали амалга оширилишини кўриб чикдик. Мазкур вазифаларни амалга оширишда вакиллик органлари билан ижро ҳокимиятининг бир-бирини тийиш ва назорат қилиш ваколатлари орқали амалга оширилишини кўришимиз мумкин. Қуйи маҳаллий ҳокимият органларида давлат қурилишини чуқурлаштириш масалаларидан келиб чиққан ҳолда ҳокимни вакиллик органига раҳбарлигини олиб ташлаш таклифини илгари сурмоқдамиз.

Ғарбий Европа ва бошқа ривожланган давлатлар тажрибасига мурожаат этсак, биздаги туманлар ва шаҳарлар маҳаллий давлат ҳокимиятига эмас, балки ўзини ўзи бошқариш – муниципал бошқарув тизимига киритилган¹. Мазкур мамлакатлар маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари билан уларнинг ижроия органлари бир-бирларидан кескин ажратилганлар.

Мамлакатимизда барча даражалардаги ҳокимликлар маҳаллий давлат ҳокимияти тизимига ўтиш давридаги кучли ҳокимиятга бўлган эҳтиёжлар ва давлатнинг бош ислохотчилик ўрнидан келиб чиқиб киритилган эди. Лекин, ҳозирги даврда мамлакат Президенти И.А.Каримов томонидан ишлаб чиқилган «Кучли давлатдан кучли жамият сари» концептуал дастур асосида туманлар ва шаҳарлар ижроия ҳамда вакиллик органларига кўпроқ марказий ва вилоятлар ижроия ҳокимиятлари ваколатларини беришга доир ислохотлар амалга оширилмоқда. Мазкур ислохотлар жараёнида қуйи маҳаллий ҳокимият вакиллик ва ижро органлари мустақиллигини таъминлаш лозим.

Туман ва шаҳарлар ҳокимлари ҳам вилоятлар ҳокимлари каби Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 99-моддасига биноан ўз ҳудудларидаги халқ депутатлари Кенгашларига бошчилик қилиш ҳуқуқига эгаллиги белгиланган. Уларни раҳбарлигининг асосий йўналиши бу Кенгашлар ишини ташкил этиш, улар АҚШ, Буюк Британия, Дания ва бошқа кўпчилик давлатларда фаолиятларини йўналтиришдир. Конституциянинг 102-моддасига биноан «Вакиллик ва ижроия ҳокимиятини тегишлигига қараб вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари бошқаради¹».

Таъкидлаш жоизки, ҳоким вакиллик органини тўла маънода бошқармайди, балки бу бошқарув функцияси унинг халқ депутатлари Кенгаши мажлисларига раислик қилиши билан амалга оширилиши, яъни Кенгаш сессияларидаги масалалар ва қарорлар кўпчиликнинг овоз бериш йўли билан амалга оширилиши белгиланган бўлса ҳам, ҳокимнинг йўналтириб туриш, масалалар киритиш каби анча ваколатлари бор.

¹ Қаранг: АҚШ, Буюк Британия, Дания ва бошқа кўпчилик давлатларда.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: "Ўзбекистон", 2012. -102-модда.

Мамлакатимизда «ҳоким бу ваколатларидан фойдаланишда қонунлар доирасида ҳаракат қилиши ва кўпчиликнинг назорати остида бўлиши, халқ депутатлари Кенгашининг кўпчилик овоз бериши йўли билан ҳокимнинг талаб ва таклифларини қабул қилмаслик ҳуқуқлари мавжудлиги, вакиллик органига ҳокимлар бошчилик қилганлари билан, бу органлар қонунлар доирасида анча ҳуқуқий мустақилликка эга бўлганликлари учун ҳоким вакиллик органи ўрнини боса олмайди, вакиллик органларининг мустақиллик даражалари депутатларнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятларини юқори бўлишига, шунингдек улардаги партиялар фракциясини таъсири, ҳудуддаги сиёсий партияларнинг сайловчилар томонидан қанчалик қўллаб-қувватланиши ва партияларнинг тўла шаклланиб олиши даражаларига боғлиқдир» -деган қараш мавжуд.

Бироқ амалда мавжуд муносабатлардан келиб чиқадиган бўлсак ҳоким халқ депутатлари Кенгашлари фаолиятига доир масалаларни, келиб тушган таклифларни кўриб чиқади², Кенгаш сессиясида кўриб чиқилидаган масалаларни олиб чиқишда раҳбарлик қилади, доимий комиссиялар фаолиятини йўналтиради. Мазкур ҳолат маҳаллий ҳокимиятни амалга оширишдаги «тийиб туриш механизми»га таъсир қилади.

Ҳокимни маҳаллий ҳокимият ижро органининг раҳбари сифатида халқ депутатлари кенгашларига ҳисобдорлиги вакиллик органларини аҳоли манфаатларини таъминлашдаги асосий қоидалардан биридир. Агарда, ҳоким халқ депутатлари Кенгашлари сессияларига қўйиладиган масалаларни тайёрласа, раҳбарлик қилса унинг ҳисобдорлиги таъминлашда турли суистеъмолликлар бўлиши мумкин. Бюджетни, ҳудудни комплекс ривожлантириш дастурларини ижро этишга доир ҳисоботларини тайёрлаш ва буларга объектив баҳо бериш ҳудуд аҳолиси манфаатларини таъминлашга хизмат қилади.

² Қаранг: Иккинчи чақириқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг Иш тартиби. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши раисининг 2000 йил 11 январь, 32/1-2-сонли қарори билан тасдиқланган.

2007 йил 11 апрелда қабул қилинган “ Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”¹ги Конституциявий қонуннинг қабул қилиниши партия гуруҳларининг маҳаллий ижро ҳокимияти фаолияти устидан вакиллик назоратини ўрнатишда муҳим ҳуқуқий асос бўлди десак, ҳеч ҳам муболаға бўлмайди. Ушбу қонун асосида, ҳоким лавозимидаги шахсларнинг қоникарсиз фаолияти тўғрисида партия гуруҳларига асосланган хулоса тақдим этиш ҳуқуқи берилди. Агар шундай ташаббус Кенгашдаги етакчи партия гуруҳлари томонидан қўллаб – қувватланса, Президент бу ташаббуснинг Кенгашдаги муҳокамасини тайинлайди ва муҳокама натижаларига кўра қарор қабул қилади.

Ўйлаймизки, маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари ваколатларининг кенгайиб бориши, уларнинг маҳаллий ижро ҳокимияти томонидан амалга ошираётган ишларининг салмоқли ташкил этилиши учун хизмат қилади. Шу мақсадда, партия гуруҳлари ўзининг вакиллик назоратини ўрнатишнинг механизмининг янада такомиллаштириб ва ундан фойдаланиш самарадорлигини ривожлантириб боришлари лозим.

2014 йил 16 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 103-моддасига киритилган ўзгартиришга мувофиқ, Вилоят, туман ва шаҳар ҳокими тегишли халқ депутатлари Кенгашига вилоят, туман, шаҳар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим ва долзарб масалалари юзасидан ҳисоботлар тақдим этиши, улар бўйича халқ депутатлари Кенгаши томонидан тегишли қарорлар қабул қилинишининг мустаҳкамланиши маҳаллий ижро ҳамда вакиллик органлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни янада мустаҳкамлайди, ўзаро тийиб туриш ва мувозанатни самарали таъминлаш механизмининг амалдаги ижросини таъминлайди. Бу ўзгартиришлар маҳаллий ижро ҳокимияти органларининг давлат бошқарувини

¹ Ўзбекистон Республикаси “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш, ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Конституциявий қонуни// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007.- №15.- 151-модда.

ислоҳ қилишдаги ролини янада оширади ҳамда ўз ваколатларини амалга оширишларида юксак масъулият ва жавобгарликни юклайди.

Хулоса

Ўзбекистон Республикасида демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш сари кенг камровли ислохотлар олиб борилмоқда. Олий давлат ҳокимияти органларини ислоҳ қилиш мамлакатимиздаги демократик ислохотларнинг муҳим босқичи бўлиб, марказий давлат ҳокимияти органлари билан бир каторда маҳаллий ҳокимият органларини такомиллаштиришни тақозо этади.

Маҳаллий ҳокимият органлари тизимида ҳоким олий мансабдор шахс бўлиб, унинг ҳуқуқий мақомини такомиллаштириш долзарб масалалардан ҳисобланади. 1992 йил 4 январда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг маҳаллий ҳокимият идораларини қайта ташкил этиш тўғрисида”ги қонунида ҳокимнинг маҳаллий ҳокимият органларига юклатилган вазифаларни яккабошчилик тамойили асосида бажариши ҳамда вакиллик ва ижро органларига раҳбарлик қилишини Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтишда кучли ижроия ҳокимиятини таъминлаш учун жорий қилинганлиги эътироф этилган.

Президент И.А.Каримов таъкидлаганидек - “Ҳокимлар – Президентнинг жойлардаги вакиллари дир. Президент олға сураётган сиёсатни одамлар онига етказиш, уларни белгилаб олинган тараққиёт йўлидан бошлаш, улуғвор ишларга даъват этиш ҳокимларнинг муқаддас бурчидир”¹.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган жамият ва давлат қурилишини эркинлаштириш ислохотлари маҳаллий ҳокимият вакиллик ва ижроия органлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари - Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг такомиллашиб боришни тақозо этмоқда. маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолияти билан боғлиқ қонунларни ишлаб чиқишда, такомиллаштиришда жаҳондаги илғор тажрибалар, умум эътироф этилган қоидалар ва миллий анъаналарни уйғунлигини таъминлаш

¹ Қаранг: Каримов И.А. Биздан озод ва обод ватан қолсин. Т.2.-Т.: “Ўзбекистон”, 1996.-380б.

ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

Мазкур ишни тайёрлаш жараёнида маҳаллий давлат ижроия ҳокимияти органлари фаолиятини ташкил этишнинг Ўзбекистон ва жаҳон тажрибасини ўрганилиши, мамлакатимизда ҳуқуқий давлатга мос маҳаллий давлат органларининг тизимини барпо этишга доир қуйидаги таклиф ва мулоҳазаларни илгари суришга имкон берди:

Биринчидан, ҳоким тушунчасига кенг ва тушунарли таъриф берилишини зарур деб ҳисоблайман. Шу ўринда ўзимизнинг қуйидаги таърифимизни берамиз:

Ҳоким - бу муайян маъмурий ҳудудий бирликда ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларига умумий раҳбарликни амалга оширувчи, давлат сиёсатини ҳудудда амалга оширувчи, жойларда қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг бошқа қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган ҳужжатлар, юқори турувчи халқ депутатлари Кенгашлари ва ҳокимлар қарорларининг ижросини таъминловчи, қонун ҳужжатлари асосида кенг ваколатларга эга бўлган ва бу фаолият юзасидан мустақил қарорлар қабул қилувчи ҳудуд манфаатлари учун маъсул мансабдор шахсдир.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонунининг “Вилоят, туман, шаҳар ҳокими тегишли халқ депутатлари Кенгаши депутатлари орасидан тайинланади ҳамда тасдиқланади” деган 2-моддаси 2-қисмидаги “орасидан тайинланади ҳамда” деган сўзлари чиқариб ташланиб, қуйидагича ифодаланса мақсадга мувофиқ бўлар эди деб ҳисоблайман: “Вилоят, туман, шаҳар ҳокими тегишли халқ депутатлари Кенгаши депутатлари томонидан тасдиқланади”.

Учинчидан, ҳокимдан тегишли ҳудуддаги вакиллик ҳокимиятига бошчилик қилишни олиш керак. Ҳокимиятлар тақсимланганлиги тамойили асосида жойлардаги Халқ депутатлари тегишли ҳудуд кенгашлари ҳокимга нисбатан “тийиб туриш ва мувозанатда ушлаш” механизмини йўлга қўйиш керак. “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонунга туман ва шаҳар

хокимларни тайинлаш ва тасдиқлаш механизмини янада демократлаштириш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Хусусан, туман ва шаҳар ҳокими номзодлари вилоят ҳокими томонидан тегишли халқ депутатлари Кенгашларидаги партия гуруҳларининг ҳар бири билан маслаҳатлашувлар ўтказилганидан сўнг халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашига тасдиқлаш учун тақдим этилади. Тегишли халқ депутатлари Кенгаши депутатлари умумий сонининг кўпчилиги овозини олган туман ва шаҳар ҳокими номзоди тасдиқланган ҳисобланади.

Тўртинчидан, «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонуннинг 25-моддаси “Ҳокимнинг ваколатлари” деб номланиб, унда вилоят, туман ва шаҳар ҳокимларининг ваколатлари умумий қилиб, қўшиб юборилган тарзда ифодаланган. Аслида эса вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ваколатлари билан туман ва шаҳар ҳокимлари ваколатлари бир-биридан фарқланади. Шунинг учун уларнинг ваколатлари алоҳида-алоҳида қилиб ажратилиши керак.

Бешинчидан, Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуни ҳозиргача бир қанча ўзгартиришлар билан деярли айтарли ўзгаришсиз амал қилиб келяпти. Мазкур қонун ҳозирги ижтимоий ҳётимизнинг талабларига тўла жавоб бермаяпти. Шу сабабли мазкур қонунни янги таҳрирда қабул қилиш керак.

Олтинчидан, Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонунига қўшимча қоида сифатида, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимини муддатидан олдин лавозимидан озод қилиш масаласи. Хусусан, ўз аризасига мувофиқ; у белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топилганда; унга нисбатан суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирганда; у суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори асосида бедарак йўқолган деб топилган ёхуд вафот этган деб эълон қилинганда; у Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотганда; у вафот этганда ва ҳоказо.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Рахбарий адабиётлар

1. Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 364 б.
2. Каримов И. А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т. 2. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 380 б.
3. Каримов И. А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 366 б.
4. Каримов И. А. Бунёдкорлик йўлидан. Т. 4. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 349 б.
5. Каримов И. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т. 5. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – 384 б.
6. Каримов И. А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – 429 б.
7. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамыз. Т. 7. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 1999. – 410 б.
8. Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т. 8. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. – 528 б.
9. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т. 9. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2001. – 432 б.
10. Каримов И. А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т. 10. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2002. – 432 б.
11. Каримов И.А. Биз танлаган йўл-демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. - Тошкент: “Ўзбекистон”, 2003. – 320 б.
12. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлик ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т.12. - Тошкент: “Ўзбекистон”, 2004. – 400 б.
13. Каримов И.А. Ўзбек ҳалқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13.-

- Тошкент: “Ўзбекистон”, 2005. – 448 б.
14. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари - олий қадрият. Т.14.- Тошкент: “Ўзбекистон”, 2006. – 280 б.
 15. Каримов. И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва ҳалқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Т.15. –Тошкент: “Ўзбекистон”, 2007. - 318 б.
 16. Каримов. И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодийтимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Т.16.-Тошкент: “Ўзбекистон”, 2007. - 366 б.
 17. Каримов. И.А. Ватанимизнинг босқичма - босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш - бизнинг олий мақсадимиз. -Т.17.- Тошкент: “Ўзбекистон”, 2009. -280 б.
 18. Каримов И.А. Жаҳон инқирозининг оқибатларини енгиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтариш сари. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2010. – Т.18. -264 б.
 19. Каримов И.А. Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. Т. 19. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. -348 б.
 20. Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва мадерианизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. Т. 20. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2012. -320 б.
 21. Каримов И.А. “Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” номли 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза. // “Халқ сўзи” газетаси. 2013 йил 19 январь.

II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси – Тошкент: Ўзбекистон, 2012. – 40 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 31 августда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида» ги 336-XII-сонли қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси.1991 йил.- № 11-14, 246-модда.
3. “Ўзбекистон Республикаси маҳаллий органларини қайта ташкил этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 4 январдаги Конституциявий қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, 3-сон, 146- модда.
4. “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябр қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, 9-сон, 321- модда.
5. “Прокуратура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август қонуни (янги таҳрирда). Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 9-сон, 2001 йил.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимиятини ташкил этишнинг асосий принциплари тўғрисидаги” қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 2002 йил. №4-5. 60-61 модда.
7. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрдаги Конституциявий қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 2002 йил, 12-сон, 215-модда
8. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабр Конституциявий қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 2002 йил, 12-сон, 215-модда

9. “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси, 2003, № 3-4, 27-модда.

10. “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августдаги қонуни. (Халқ сўзи 7 октябрь 2003 йил.).

11. “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Конституциявий қонун. Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами. 2007 № 15.151-модда;

12. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида»ги қонун. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси 2007 й № 4. 162-модда

13. Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги” Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Халқ сўзи. 2008 йил 27 декабрь

14. Ўзбекистон Республикаси “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)” ги қонуни. Халқ сўзи, 2011йил, 19 апрель.

15. Ўзбекистон Республикаси “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98,103 ва 117-моддаларига)” ги қонуни. Халқ сўзи, 2014йил, 16 апрель.

16. “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги қонуни. Халқ сўзи, 2014йил, 5 май.

III. Дарслик ва ўқув қўлланмалар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи. Муаллифлар жамоаси. Дарслик. Тошкент: ТДЮИ.- 2005.- 545 б.
2. Конституциявий ҳуқуқ. О.Хусанов. Дарслик. Тошкент: Адолат- 2013.- 542 б.
3. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига шарҳ. Муаллифлар жамоаси - Тошкент: ТДЮИ, 2013.- 452 б.
4. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари. Ш.Асадов. Ўқув қўлланма. Тошкент: ТДЮИ.- 2012.- 245 б
5. Ўзбекистонда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш (Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” номли маърузаси асосида) ўқув-услубий мажмуа. –Тошкент: ТДЮИ нашриёти, 2010. - 72 б.
6. Конституционное право зарубежных стран: Учебник для вузов / Под общ. ред. М.В. Баглая, Ю.И. Лейбо, Л.М. Энтина. М., 2005-455 с.
7. Алебастрова И.А. Конституционное (государственное) право зарубежных стран: учебное пособие. – М.: Юриспруденция, 2000. – 304 с.
8. Хорижий мамлакатлар конституциявий ҳуқуқи. Муаллифлар жамоаси /масъул муҳаррир А.Азизхўжаев. Т.: ТДЮИ. 2010. 645 б
9. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи // Муаллифлар жамоаси. Масъул муҳаррир А.Х.Саидов. Тошкент: ТДЮИ, 2005 й.
10. Хусанов О. Ўзбекистон Республикаси давлат органлари. Ўқув қўлланма. Тошкент, Шарқ, 1996й.
11. И.Жалилов Кучли давлатдан кучли жамият сари. Тошкент. Ўзбекистон. 2002 й.;

12. Ш.И.Жалилов Ўзбекистон Республикасининг ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи. Тошкент: Ворис нашриёти. 2007
13. Г.Маликова. Конституционное (государственное) право Республики Узбекистан. (Учебно-методический комплекс). – Т.: ТДЮИ, 2010. - 226 бет.
14. Allan Ides Christopher N. May Constitutional Law - Individual Rights. Fifth Edition 2012
15. Рузметов Х.. Хоқимияты (проблемы теории и практики организации и деятельности местных органов исполнительной власти в Республике Узбекистан). монография.-Т.:ТГЮИ,2004.-244 б.

IV. Илмий журналлардаги мақолалар

1. Азизхўжаев А.А. Хоқимият тақсимланиши таомилининг амалий ифодаси. //Ҳаёт ва қонун. 1994, 2-сон, 3-7-бетлар.
2. Азизхўжаев А.А. Эркинликнинг ғалабаси муҳрланган қонун//Жамият ва бошқарув. 2001, 4-сон.
3. Рузметов Х.И. Концептуальные основы развития регионального и местного управления в Узбекистане // Жамият ва бошқарув. 2013, 1-сон.
4. Асадов Ш. Ўзбекистонда маҳаллий ҳоқимият очиклигини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш масалалари // Жамият ва бошқарув. 2013, 1-сон.
5. Ҳакимов Р. Давлат ҳоқимияти ва бошқарувида ўзаро тийиб туриш ҳамда манфаатлар мувозанатининг самарали тизимини шакллантириш – устувор вазифа// Фуқаролик жамияти – Гражданское общество – Civil Society/ 2012,1-сон.
6. Жумаев Й. Марказда ва жойларда қонун чиқарувчи ва вакиллик ҳоқимиятининг ваколатлари ҳамда назорат вазифаларининг ролини кучайтиришга оид// Фуқаролик жамияти – Гражданское общество – Civil Society/ 2012,1-сон.
7. Журакулов Ф. Конституционное принцип деления на законодательную, исполнительную и судебную ветви власти как основа национальной демократической государственности// Фуқаролик жамияти –

Гражданское общество – Civil Society/ 2012,1-сон.

9. Рўзметов Хайрулла. “Ҳокимликлар тузилма ва штатлари такомиллаштирилишининг хусусиятлари”. “Давлат ва ҳуқуқ” 2004 йил 4-сон

10. Хусанов О.Т. Конституцияни билмоқ - эркин танимоқдир//Жамият ва бошқарув. 2001, 4-сон.

12. Хусанов О.Т. Ўзбекистонда давлат қурилишини ва бошқарувини эркинлаштириш//Илмий-амалий конференция материаллари тўплами. 2011й.

13. Набераев Б. Парламент назорати – давлат ҳокимиятини демократлаштиришнинг энг муҳим шарти. Халқ сўзи. 2014 йил, 2 апрель

14. Зулфикоров Ш., Турғунов О. Давлат ҳокимияти органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати - Ўзбекистон демократик ривожланишининг муҳим омили. Халқ сўзи. 2014 йил, 4 апрель

15. Миракулов М.М. Президентлик институти: умумий тавсифи ва юридик табиати // ТДЮИ Ахборотномаси. –Тошкент, 2011. – №4. – Б.11-14.

VII. Интернет сайтлари

1.<http://.lex.uz>

2.<http://www.senat.uz>

3.<http://www.gov.uz>

4.<http://www.parliament.uz>

5. http://www.lawlibrary.ru/izdanie_29151.html

6.<http://www.amazon.com/>

7.<https://lib.law.washington.edu>

8.<http://www.oxfordhandbooks.com>